

**ОБИДЖОН ЖУМАНАЗАРОВ**

**ТУГАНМАС ЭРТАКЛАР**

(Қисса)

**Биринчи китоб**

«Наманган» нашриёти - 2004 й.

84(59)6

*Ушбу китобимни донишманд отам Жуманазар Шомурод ўгли ҳамда мунис ва меҳрибон онам Сорахон Каримжон қизининг ёрқин хотираларига бағишлайман.*

## КИТОБХОНГА

«Болалик» мусиқасини эшитганмисиз? Мен бот-бот тинглаб тураман бу куйни. Гоҳо, тоғ дарёларидек жўшқин ва ўйноқи, гоҳ тошдек зил-замбил. Баъзан кечалари уйғониб кетаману, шу куй садолари остида бутун борлигим тебранаётгандек, унинг кўзга кўринмас қанотларида олис-олисларга парвоз қилаётгандек бўламан. Надоматларким, ўша мусиқа қанотчаларига ўтириб олиб бораётган манзилимга ҳеч-ҳеч етолмайман. Бу манзил алла қачон, умрим йўлининг чанг-тўзонларида қолиб кетган. Хаёлотим нигоҳларида ҳам бамисоли туман орасидан боқаётгандек бўламан ва ногоҳ ана шу етиб бўлмас манзилларда болалигим шарпа мисол қалқиб чиқади. Нимадир демоқчидек оғиз жуфтлаган онажонимнинг мунис ва меҳрибон чеҳрасини, турмуш ташвишида манглайини қат-қат ажинлар қоплаган отажонимнинг маъноли боқишларини пайқаётгандекман. Қизиқ, ёш ўта борган сайинг ўша манзиллар, болалик оламида кўрган кечирганларинг тобора равшанлашиб бораётгандек туюла бораркан.


Азиз ўқувчим! Умрим йўлларида қайтмас бўлиб қолган ва кейинги йилларда хотирамда кўп жонланаётган ана шу давр кечмишларидан айримларини сиз билан ўртоқлашишга журъат этдим. Лекин қўлингиздаги китоб бадий асар, ёзувчи хаёлоти эса учқур эканлигини унутмаслигингизни истардим.

*Муаллиф.*

1031283  
0

235-500,20-398.620  
НГ \_\_\_\_\_ 2002  
236-4,50-(06)-02

© О.Жуманазаров, «Наманган» нашриёти.



## ТУГАНМАС ЭРТАКЛАР

### РОСТАКАМ ЁЛҒОН

Болалигимнинг илк даврени ўйласам, кенгина ҳовлимиздаги сўриток остига қўйилган куббадор эски кроватимизда оқшомлари оила аъзоларимиз тўпланган дақиқалар кўз олдимга келади. Соябонига узум новдалари расми туширилган қирқ шамли чироғимиз бошимиз узра осилиб туради. Отам ишдан ҳориб-толиб келсалар-да, дастурхонга фотиҳа тортилгач, тўсатдан катта гуноҳ иш қилиб қўйгандек тиззаларига шапатилаб урадилар, бир четда хомушгина ўтирган бувимга қарайдилар:

-Мен нодоннинг ёдимдан чиқарганимни кўринг. Кечадан бери укамдан келган хатни ўқиб бермасдан юрибман...

Бувим сергак тортадилар, ўтирган жойларида қимирлаб оладилар. Бор вужудлари қулоққа айланади. Акам икковимиз отамнинг икки тиззасига ёпишамиз. Бувим эса хат ўқиётганда ҳам, ундан кейин ҳам кўзларидан шашқатор ёш оқизиб йиғлаб ўтирадилар.

-Қачон қайтишлигини ёзмабдими? – бувим орада савол ташлайдилар.

Шундай кезларда падари бузрукворимнинг пайпасланиб қолганлигини пайқайман. Отам йўлини топади, укаси (фронтдан қайтмаган амаким) билан бирга хизмат қилган кимнидир «кўрган» ёки «учратган», ўша одам Хўжаназар акамиздан салом айтиб юборган, ҳатто «оиламиз эркатойи» мени эса қаттиқ ўпиб қўйишни тайинлаган бўлади. Бир четда жимгина ўтирган онамнинг отамнинг сохта кулгу ўйнаётган юзларига ўгринча боқиб қўйганлигини пайқайман. Бувимнинг бу гапларга унчалик ишонмаётганлигини мен ҳам сезгандайман.

Бувим кўзларидан қуюлаётган ёш маржонини артаркан, очиқ пиқиллашга ўтади.

-Уруш дединг, урушиям тугади. Ҳамма қайтди-ку, нега укам дом-дараксиз?

-Уруш тамом бўлгани билан Хўжаназар сингари келишган, полвонроқ йигитларни армияда олиб қолишган-да, немисларнинг қолган-қутгани тагин бош кўтаришмасин дейишган. Бир-икки йил хизмат қилиб туришади.

Шу тариқа отам «хужум»ни давом эттиради ва сохтакорлик билан енгил кулади.

-Мен сизга айтмаётгандим, тагин уришиб берманг, дегандим. Ўртоқларининг шипшитишича ўша ёқда битта немис «маржа»сига уйланиб ҳам олганмиш...

-Бекорларни дебсан! - Бувим жаҳл билан қўл силтайди. - Мени Хўжаназарим унақа бетамизлардан эмас. Қишлоқни олди қизи сочини ўриб ўтирибди, уни деб.

Амакимнинг хотини бир йилча олдин кўч-кўронини олиб кетиб қолган. Шунинг учун бувим ўғли қайтиши билан уйлантиришни ўйлаб юради.

Шу пайт отамнинг жонига ора кириб, дарвозамиз таққиллайди. Идора қоравули Ёқуб аканинг овози эшитилади. Тумандан одам келган ёки телефонда чақириваётганмиш. Отам фотиҳа сўраб бувимга қарайди. Бувим узундан-узоқ нималарнидир пичирлаб дуо ўқийди, кун сайин чўпдек озиб бораётган қурушқоқ бармоқлари билан юз-кўзларини силайди. Биламан, Хўжаназар амакимнинг омон-эсон қайтишини тилаяпти. Отам қўлидаги туморсимон хатни онамга узатаркан, ниманидир сирли имо қилиб юқорини кўрсатади. Мурғак онгим билан пайқагандай бўламан. Эртага ёки индинга ўқиб бериш учун ўша жойга беркитишни буюряпти. Отам хат ўқий бериб уста бўлиб кетган. Ҳар ўқиганида ҳар хил чиқади.

Бир сафар мактабга қатнаётган акам нега алдамчилик қилаётганлигини сўраганида отамнинг чунонам жаҳли чиқдики, кўзлари бегоналарники сингари олайиб кетган. Акамни энди уриб-солсалар керак, деб кўрққандим, яхшики, ундай бўлмади. Аксига отамнинг киприкларида ёш гилтиллади. Худди катталарга гапираётгандек бизга қараб деди:

-Билсангиз, ҳаётда рostaкам ёлғон ҳам бўлади. Амакиларингизнинг тирик-ўликлиги ёлғиз Яратгангагина маъ лум. Сталинградда киргин-баротга биринчи кирганидаёқ қайтиб чиқмаган. Ўлигиниям ҳеч ким кўрмаган, тиригиниям деб хабар келган. Бувиларингиз буни эшитса кўтара олмайди. Уларни шу бир парча қоғозгина асраб юрибди.

## ФРОНТГА ҚАЙ ТАРИҚА ЙЎЛ ОЛГАНИМ

Анча кейин, ақлимни таниб қолганимда бирон-бир даврада уруш мавзуидаги ҳангома очилганида отам:

-Бизнинг Шертой ҳам (падари бузрукворим мени болалигимда эркалатиб шундай деб чақиради) Хўжаназар акаси билан урушга бормоқчи бўлган, унамасаям ярим йўлдан қайтариб келганман, - дея кулиб қўярди.

Бу ярим ҳазил, ярим чин оҳангидаги гап замирида нима ва қандай мазмун бор эди? Келинг, ўша замонларда эшитганларим ва болалик ҳаёлимда тасаввур қилганларимни сиз билан ўртоқлашай.

...Ўн кун олдин бошлаган ёмғир тинмайди. Кўкни шунчалик қалин ва қўрғошинранг булутлар қоплаганки гўёки ер билан осмон қўшилиб кетгандек. Эрта-ю кеч бир маромда сим-сим ёмғир томчилайди. Қайси уйга кирманг, ўхшаш манзара: одамлар уйлари ичкарасида ёмғир ўтмайдиган махсус «уйча»лар қуриб олишган. Негаки, у пайтларда шифер ёки том устига ёпиладиган бошқа тур қурилиши заҳиралари расм бўлмаганидан томчи ўтмаган хонадон топилмасди.

Бунинг устига олисларда бораётган қонли қирғинбаротнинг таъсири билиниб қолган, дон-дун камайган, колхоз далаларида битаётган ғалланинг асосий қисми фронт учун жўнатилар, ишлаётганларнинг очдан ўлмасликларига аталган қисмигина қолдириларди. Яхшики, томорқа бор, одамлар шу ерга жўхорими, макками экиб олишарди-да, улар ёрдамида тирикчилик ўтказишарди.

Лекин қишлоқ кишилари соддаликларига бориб, барибир, урушнинг чинакамига қандай даҳшат эканлигини ҳали тўлалигича тушуниб етмаган эдилар. У маҳалда «қора хат» юбориш одат тусига кирмаган, радио йўқ, армия ёшидаги йигитларни сафарбар этиш эндигина оммавий бошланаётган эди. Бутун борлиқ узра кўнғирранг булутлар осилган ана шу кеч куз кунларида Хўжаназар амаки билан сафарбар этилган содда ва мўмин-қобил, қўлига қурол тутиб, ундан қандай фойдаланиш тушига ҳам кирмаган, милтиқ билан косовнинг фарқига яхшироқ бормаган қишлоғимиз йигитлари ҳам инсоният боши узра осмондаги қора булутлардек осилган фашизм ўлатини, унинг оқибатларини тасаввур ҳам қилиб кўришмаган, ҳарбий идорадагилар алдаб уқтиришганларидек «олти ойлик» ҳарбий ўқишга кетяпмиз, деб ўйлашарди.

Ёмғир ҳақида гап кетганда «шанба ёғса бозор тинар, бозор ёғса қачон тинар» деган ақида чинакамига ўз исботини топаётгандек эди. Дарҳақиқат, бозор куни бошланиб иккинчи ҳафтани якунлаётган намгарчилик қишлоқ кўчаларининг ҳам ичак-чавоғини ағдариб ташлаганди. Тўрт гилдиракли арава боғлаган қўш ҳўкизлар оёқларини аранг судрашар, баъзи жойларда қоринларига гача лойга ботган ҳўкизларни ва аравани ботқоқдан чиқариш учун одамлар ердамга келишарди. Ана шундай шароитда елкаларига қопчиқ осган ўттиздан ортиқ алп йигит ҳарбий идора вакили раҳбарлигида олдинги аравага, уларни кузатишга чиққан эракак-аёл эса кейинги икки аравага жойлашдилар. Эрталаб йўлга чиққан карвон кун пешиндан оққандагина туман марказидаги чойхоналар ёнига келиб тўхтади. Апил-тапил тушлик қилган одамлар уларни кутаётган бош бекат, темир йўл бўйига қараб йўл олишди.

Бу ер бамисоли қиёмат-қойимни эслатарди. Чол-камфирлар, хотин-халаж йиғлаган-сиқтаган, кимдир хушдан кетиб йиқилган. Бизнинг қишлоқ йигитларидан ҳам баъзилари бораётган манзиллари ҳарбий таълим ўргатадиган жой эмаслигини тушуниб қолишди, аммо эракалик ғурурлари бунга йўл қўймас, ўзларини хайрлашиш олдидан зўрма-зўраки бўлса-да, хушчақчақ кўрсатишга тиришардилар.

-Ўшандаги ўн кунлик ёмғир аслида урушга кетмас бўлиб кетаётган йигитлар учун Яратганнинг очган азаси экан, дея кейинчалик йиглаб оҳ-нола қилган қишлоғимиз аёлларининг фарёдини кўп бор эшитганман ва бу оҳу-фигонлар гўдаклик онгимда тоабад ўрнашиб қолган.

Бошқалар қатори бораётган манзиллари олис ва совуқ эканлигини англаб эгнига икки қават тўн, бошига қулоқчин кийиб олган арслонкелбат Хўжаназар амаким ўша ерда ва ана шу шароитда ҳам онажоним айтмоқчи «олпоқ, дўмбоқ, оғзидан кулгу аримайдиган» саккиз ойлик болачани вагонга чиқаётганда ҳам қўлидан қўймайди. «Жиянимни ўзим билан армияга олиб кетаман, ўқитиб командир қилиб келаман», деган экан ҳазиллашиб онамни кўрқитиб.

Поезд жойидан кўзғолганига қадар чақалоқ йигитларга эрмак ва уларнинг бошга тушаётган айрилиқ олдидаги кўнгилларига далда бўлган. Шу лаҳза кутилмаганда уч бор узуқ-юлуқ гудок берган поезд жойидан кўзғолиб қолмайдими, Хўжаназар амаким болани вагон деразасидан узатишга улгурмайди.

-Кўрқма, болани фронтга олиб кетмаймиз, у ёқда бусиз ҳам қаровсиз болалар етарли, - депти амакимни юпатиб вагон сарбони. -Ҳозир паровозга кўмир юклаш учун тўхтаймиз. Отасига бола керак бўлса, етиб келади.

Боласининг урушга кетаётган вагонда қолганини кўрган онажоним «дод» солибди. Отам тобора тезлашаётган охириги вагонлардан бирига осилибди. Дарҳақиқат, сал ўтмай, бош бекатдан икки - уч чақирим юрган поезд кўмир омборхонасига етиб келиб тўхтаган. Шу ерда Хўжаназар амаким кетаётган вагонга етиб келган отам чақалоқни қайтариб олишга муваффақ бўлган. Ўша чақалоқ мен бўлган эканман...

### МУШУК ДУМИДАГИ ХАЗИНА

Одатда бу сингари ҳолатни ҳаммамиз бошдан кечирганмиз ва астойдилроқ бош қотирсак, илк бор мустақил равишда узоқроққа юриб борганлигимизни ёки катталарни топширигини қандай бажарганимизни эслаймиз. Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганим бу воқеа ҳам худди ана шундай кезларимда юз берганди. Ўшанда бир гуруҳ қариндошлар Қорадарё ортидаги Кемабоши қишлоғига тўйга кетаётгандик. У йилларда дарё ўзанига сиғмасдан тўлиб-тошиб оқар, Чинободни Ҳаққулобод билан боғлаган ҳозирги темир-бетон кўприк ҳеч кимнинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмасди. Кемадан ўтгач, дарё ёқалаб кетган ва ипдек чўзилган илонизи сўқмоқдан чопқиллаб кетдим. Кемагача елкасида мени опичлаб келган амаким Янаберди ака ўз оёғим билан юраётганимга хурсанд бўлибми, мен билан иши бўлмай қўйди. Шу заҳоти қанотчалари қизлар эғнидаги атласдек чиройли капалак чиқиб қолмайдими, уни қувлаб чалғидим, бунинг устига кўзлари кўнғирранг, думчалари узунгина мушукча зътиборимни тортди. Мушукни тутиш учун ортидан чопқиллаб борарканман, эндигина думига қўл узатганимда қандайдир чуқурчага тўпдек думалаб тушдим. Мушукча эса ерга кирдим, осмонга учдим, қораси ўчди-қолди. Бир вақт қарасам, қандайдир юмшоқ нарса устида, тўғрироғи чиройли қилиб тугилган жигарранг белбоғ тепасида ётибман. Ёлғизлигим эсимга тушди-ю, «дод» солдим. Ахир, капалак ушлатмади, мушукча эса йўқолиб қолди-да!

Тинимсиз йиғлаганим ҳолда жаҳлим чиқиб, тугилган белбоғ ичидаги рангли қоғозларни олиб атрофга соча бошладим.

Овозимни эшитишибди. Ўт-ўланларни босиб, янчиб халлослаганича Янаберди акам етиб келди. Келди-ю, бу ердаги ҳолатни кўриб бошини чангаллаганича туриб қолди.

-Капалагим қани? Мушукчани топиб беринг! - баттар додлардим.

-Бу ёққа келинглар, бу ёққа! - Янаберди акам гапларимга аҳамият бермасдан узоқлашиб бораётган шерикларини қўл силтаб чақиришга тушди. Чамаси, мендан хавотир тортган шериклар апил-тапил етиб келишди. Улар ҳам Янаберди акамнинг ҳамон тили калимага келмасдан қўли билан ишора қилаётган рангдор қоғозларга анграйиб қараб қолишди.

Бошқа тафсилотлар эсимда йўқ. Лекин тўйдан қатаётганимизда бозордан менга пистонли америкони этикча, беқасам тўн, пақиллаб отиладиган тўппонча олиб беришганликлари, ўзлари ҳам анча-мунча нарса харид қилганликлари ёдимда бор. Анча йиллар кейин мушук думини ушлайман деб, чуқурга ағанаганимда пул тугилган белбоғ устига тушганимни, «мушук, мушук» деб йиғлаганимда, аслида ҳеч қанақа мушукча бўлмаганлигини, фақат кўзимга кўринганлигини билиб олганман.

## БАҲОР ТУГМАЧАЛАРИ

Бу ўткинчи дунёда ҳайратомуз ишлар кўп. Қарангки, отамиз ҳам икки нафаргина - ака билан ука, онамиз ҳам опа-сингилгина бўлишган экан. Бунинг устига ўша маҳалларда гарчи биз ҳам оилада ўн уч фарзанд бўлиб дунёга келган эсак-да ўн бир нафаримизни Яратган ўз даргоҳига қайтариб олган. Акам билан менгина тирик қолган эканмиз. Шу боисданми, онамиз тугилган қишлоғи - Кемабошига бот-бот қатнаб турмасак, кунимиз ўтмаётгандек, нимадир етишмаётгандек туюларди.

У маҳалларда машина қаёқда дейсиз, колхоздаги якка-ю ягона «полотирка» доимо иш билан банд, аравалар ҳам етишмас, кўпинча, ўн беш - йигирма чақирим олисга пиёда қатнардик. Баҳор эндигина бошланаётган кезлардаги ўша сафаримизни кечагидек эслаيمان. Яқиндагина серёмғир куз ва борлиқни оқ чойшабга буркаган бадқовоқ қишдан қутилган табиат жонланишга бошлаган. Кўчалар ёз ойларидаги сингари ҳали чанг-тупроққа тўлиб улгурмаганди. Онда-сонда ортидан булутдек чанг тўзонни қолдириб ўтадиган шалди роқ юк машиналари-ю гилдираклари



анҳор ва дарёлардаги чархпалакни эслатувчи Қўқон араваларни демасангиз, бошқа қатнов воситаси кўринмас, онамиз бошларидаги чоғроққина тугун билан, ака-ука эса қувлашмачоқ ўйнаб Қорадарё қирғоғига қандай етганимизни билмай қолардик.

Ҳар доимгидек осмон кўклам фаслига хос артилган шишадек тип-тиниқ, астойдилроқ тикилсангиз, бошингиз айланиб кўзингиз тинади. Навбат билан олис-олислардаги қадрдон масканларига қайтаётган қушлар маржони мовий осмонга чизилган гулдек эди. Йўл четларидаги эндигина ниш уриб келаётган чечаклар, қирғоқларида кетмон изи сақланиб қолган ариқчаларда жилдираётган жигарранг сув, далалар узра аргимчак солган сўпитўрғайлар чулдираши, буларнинг ҳамма-заммаси баҳор кучга кираётганидан, олам яшараётганидан нишона берарди.

Айниқса, ўзанига сизмасдан қирғоққа интилаётган Қорадарёнинг сарғимтил тўлқинларига тикиламону юрагимни ваҳима қоплайди. Онамнинг айтишича, дунёдаги жамики борлиқнинг жони булармиш. Рост-да, ахир, дарёнинг ҳам жони бўлмаса, шунчалик забт билан, ваҳима билан, бунинг устига шовқин-сурон билан оқармиди! Бир сафар бобомдан «дарё шунча сувни қаерга олиб боради, ахир у жуда кўп-ку, қайси ҳовузга жойларкан» деб сўрасам:

-«Қуридим» деган таги-туби йўқ уммон бор. У доимо «қуридим, қуридим» дея наъра тортади. Дунёдаги барча дарёлар сувларини тўкиб туришсаям тўлмайди» деб жавоб қайтарган.

Ҳар баҳор эътиборимни йўл четларидаги ариқ ва сойлар қирғоғидаги, Қорадарё соҳилидаги кўриниши-ю, ранги ҳам офтобни эслатувчи момақаймоқлар тортади.

-Нега улар қуёшга ўхшайди? - момақаймоқларни териб оларканман онамдан сўрайман.

-Яратганнинг иши-да бу, болам, - жавоб қайтарадилар онажоним.

Жавобнинг маъносини чуқурроқ англаб етолмайман, тагин саволга тутаман.

-Қаранг, худди тиллоранг тугмачага ўхшайди-я.

Онам топқирлигимдан қувонади.

-Росаям билибсан, болам. Ҳақиқатан ҳам у баҳор тугмачалари-да.

Ҳар кўклам момақаймоқларга кўзим тушганида онажонимнинг ана шу шоирона таққослашини эслайман.

## РЕЗИНА ОДАМ

Отам ярим аср давлат ташкилотларида ишлагани ҳолда рўза тутишни ва намозни қанда қилмаган. Қишлоғимиздаги одмигина савдо дўконида ишлаб юрган дамлари эди. Ярим соатча «огиз очиш» учун ифторликка келиб намозни ўқирдилар-да тағин шошиб чиқиб кетардилар. Бир сафар дўконда харидор кўпайиб кетдими, келишга фурсат топмадилар чоғи. Акам қайсидир қариндошимизникига кетгани боис ифторликни кўтариб йўлга тушдим. Дўкон уйимиздан бир-бир ярим чақириқ олисда жойлашганди. Ўшанда рамазон қиш ойларига тўғри келганиданми, барвақт қоронғи тушди. Отам то овқатланиб намозини ўқиб бўлгунича биров қулогингизни кесиб кетса ҳам сезмайдиган даражада қоронғи қуюқлашди.

- Ёлғиз қайтгани кўрқмайсанми? - отам синчковлик билан тикилдилар.

Отам билан бирга ифторлик қилган дўкон қоравули гап кўшди:

- Ўғил бола ҳам кўрқадими, мулла ака, ахир полвон олти ёшга кириб катта йигит бўлиб қолди-ку. Шундайми?

Мен беихтиёр бош силкидим.

Ҳаво совуқлигидан кўчада пашша ҳам учмас, тун кўйида итлар ақиллагани қулоққа чалинарди. Ўзимни дадилликка олиб қайтарканман, йўғонлиги бир неча одам қулочи етмайдиган қадимий қайрағочга етганимда баданимда минглаб чумоли ўрмалагандек бўлди. Унинг танасига миттигина одам суянганича менга кўзини лўқ қилиб тикилиб турарди. Нега бунақа кичкина?

Хаёлимдан шундай фикр ўтганлигини пайқагандек ҳалиги шарпа бирданига дамлаб шиширилаётган резинадек катталаша бошлади. Буни кўриб нафасим тикилди. Вужудимдан дармон кетиб қўлимдан идиш-товоғимни ҳам тушириб юбордим. Қарасам, аҳвол чатоқ. Борлиқ қувватимни тўплладимда, оёқни қўлга олиб уйимиз томонга қараб чопқилладим. Турқи-тароватимга кўзи тушган онажоним бошимни бағрига босди:

- Қоронғиликда чўчидингми?

- Қайрағоч тагида резина одам бор экан, - дедим зўрға. - Идишлар ҳам синди.

Онам дарров юз-кўзимга сув сепиб бармоқлари билан танглайимни кўтардилар.

- Майли, синса-синар, бош-кўзингдан садақа!

Эрталаб уйгонсам лабларимга чақа тошиб кетибди. Қишлоқда Ёвнома деган бахши бўларди. Онам нонуштадан кейин ўшанга бошлаб бориб «учиринди» қилдирдилар.

-Қайрағоч остида азалдан бор ўшанақаси. - Ёвнома онамга қараб деди. - Дуойи-фотиҳа қиламиз. Утиб кетади.

Ростдан ҳам ўтиб кетди. Тузалдим ҳам. Аммо, барибир анча йилгача кечқурунлари ўша ердан ўтсам баданим жимирлаб кўярди.

## БИР ТУТАМ БОШОҚ

Чошгоҳда катта амакимнинг набираси Ҳолиқул ака отамни чақириб келди. Бунақа маҳалда раис уйда ўтирармиди! Қайсидир дала четида ёки фермада чанг-тўзонга беланиб юрмайдими. Қап-каттагина бўлиб қолган Ҳолиқул акам бўйи сурнайдек чўзилган, бурни узун, юпқа қулоқлари қайсидир эртақ қаҳрамонини эслатарди. Кўзидан ёмғирдек қуйилаётган ёш ҳаммамизни хавотирга солди. Онам сабабини сўради.

-Чегарамиздаги Эшонқишлоқнинг зовур бўйидаги даласига бошоқ тергани чиққандик...

Ҳолиқул акамнинг ҳиққиллаб йиғлаганича айтиб берганлари қулоғимда қолган ва уни қандай эшитган бўлсам шундайлигича қайтаришга уринаман.

...Ўшанда бизга қўшни бўлган колхоз чегарамиздаги галлазор ҳосилини барвақтроқ йиғиштириб олганди. Улар сув бошида жойлашганликлари учун бизнинг буғдойларимиз кечроқ етилганди. Уруш қасри кетиб улгурмаган, одамлар ярим оч. Галла пишишини ҳамма кўзи тўрт кутарди. Пайкалда қолган-қутган ҳосилга осмондаги қушлару, бир кафт донни кўзга суртишга шай одам боласи борки тенг ёпишарди.

Қишлоғимизнинг ўнга яқин боласи тўрғай чулдирамасидан аввал Ҳолиқул акам тилга олган чегарадаги ўша далага ўтишган. Кўплари нонушта ҳам қилишмаган, энг кеккайганларининг чўнтагида эндигина қизариб келаётган бир ҳовуч, ярим ҳовуч жийда.

Дастлаб иш анча бароридан келди. Пайкални ҳайвон оралаб улгурмаган экан, ерга тўкилган бошоқлар ҳам топилди. Қуёш зовур четидаги тупроқ уюмлари орасидан кўтарилмасданоқ уч-гўрт боғдан бошоқ теришди. Болаларнинг оғизлари қулоғида, ахир уйдагилари қанча хурсанд бўлишади бунга.

-Ҳасан қийшиқ келяпти! - олдинда бораётган Валининг ташвишли овози эшитилди.

Қўшни колхоз экинзорларини қўриқлайдиган Ҳасан аканинг кўзи гилайлиги учун ортидан шунақа дейишарди. Зовурдан чиққан тупроқ уюмлари ортида, эрталабки куёш ёғдусида оппоқ тасмадек кўзга ташланаётган арава йўли бўйлаб қалпоқли кимса от қўйиб келарди... Қўшни колхоз қоравулини бизникилар ҳам яхши танишарди. Раису, бошқа раҳбарлардан кўра ҳам ундан кўпроқ қўрқишарди. Бамисоли қутурган ит, раҳм-шафқат нималигини билмайди, дейишарди у тўғрисида.

Болалар ҳам Ҳасаннинг ҳеч кимни аямаслигини билишарди. Лекин пайкалдан ўғирлик қилишаётгани йўқ. Бугун-эрта барибир қушлар ва ҳайвонлар ҳам еб кетишади тўкилган-сочилганини. Шу боисдан аввалига қўрқишмади. Лекин ҳайбат билан от чоптириб келаётганини кўриб, барибир чўчишди, қўлларига бошоқни ташлаб бўлса-да, икки хўжалик чегарасидаги ариқдан сакраб ўтиб қочишга тутинишди. Лекин чап оёғи ногирон Насим имиллаб қолди.

-Ташла бошоғингни, қоч тезроқ! - бақирди Ҳолиқул акам.

Қичқириқни чамаси Насим эшитмади. Бошоғи билан куймаланиб қолди. Шериклари амаллаб ариқдан ўтиб олишга улгуришди. Шамолдек елиб келаётган Ҳасан қийшиқ аллақачон оқсаб қочишга уринган Насим қошига етиб олди ва боши учи тўмтоқ тугилган қамчинини тескари тутди. Ариқдан ўтиб олганлар олғун дастаси Насимнинг бошига қирсиллаб текканини ҳам эшитишди. Болаларнинг борлиғи туз сепилгандек ачишди. Насим йиқилиб қолди. Қўлидаги бошоқ боғламлари сочилиб кетди. Дўстлар ёрдам беришдан ожиз эдилар. Қийшиқнинг кўнгли жойига тушдими, терилган бошоқларни отининг туёғи остида босиб-янчиб ариқ ортида турганларга қамчисини силкитганича дағдаға қилди-да, отининг бошини ортига бурди.

Болалар Насим ётган жойга югуришди. Бола бечора беҳуш эди. Минг ямоқ кўйлаги қамчин зарбидан титилиб кетган, бутун борлиғига қўлида ушлаб олган бошоқ қилтириқлари санчилганди. Кўтариб кетишга шерикларининг қурби етмади. Ҳолиқул акам қишлоқдан эшак топиб борди. Ўнгариб уйига олиб келишди.

Насимнинг нима учун қўлидаги бошоқни ташламаганлигини кечқурун онам кўзидан ёш оқизиб айтиб берган. Отаси урушдан қайтмаган. Касал синглиси уч кундан бери жийда ейишга

унамасдан, «нон» деб йиғларкан. Орадан уч кун ўтгач Насим вафот этди. Бошининг ёрилган жойига тупроқ кириб қолган экан...

Яна бир нарса эсимда қолган. Воқеадан хабар топган отам кечкурун қўшни қишлоққа ўтган ва Ҳасан қийшиқнинг бошлаб таъзирини берган. Қамчини билан савалаган. Ишни мелисага оширган, аммо колхоз мулкини ҳимоя қилган, деган гап билан бир ой ётгач, қамоқдан бўшатиб юборишган.

## БОБОМ АЙТМАГАН СИР

Онамнинг ёшлиги ўтган уйнинг ҳовли томорқаси этагигача мезазор боғ эди. Қўшнилари айтишича, қишлоқда меванинг энг олди бобом боғида пишарди. Биз оғиз теккизмагунимизча ҳеч ким, ҳатто, чол-кампирининг ўзлари ҳам яқинлашмасдилар.

Бир гал борганимизда юз берган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушанда одатдагидек, шох-бутадан ясашиб устига чипта қопланган эшикдан оҳистагина кирдик. Тандирдан янгигина узилаётган пиёзли зогора ноннинг хиди гупиллаб димоғимизга урилди. Тандирдан салгина наридаги таппи ўрни сақланган пахта девор тешиқларини беркитаётган бобом ҳам, оппоқ сочларини эски лунги остига боғлаган опоғойим ҳам бизни сезмай қолишди.

-Ҳозир бориб уларни қўрқитаман, - дедиму акамнинг энгимдан тортиқлаганига ҳам эътибор бермасдан чолқилладим. Биринчи бўлиб бобомнинг кўзи тушди. Қурушқоқ кафтини пешонасига соябон қилди-да, опоғойимга қараб деди:

-Авлиёсан сен. Бугун меҳмон келади, деб тўғри айтган экансан. Қарагин, кимлар келяпти уйимизга!

Опоғойим шу заҳоти ўгирилди-ю, қулочини кенг ёзиб истиқболимизга юрди.

-Арслонларим келди менинг, бургутчаларим келди!

Фақат икки нафаргина қиз кўрган, ўғил тирноғига зор бўлиб ўтаётган чол-кампири биз набираларини беҳад севишади.

-Нонингиз куйиб кетди, нонингиз!

Онам шундай деркан, мени қучоғлаётган опоғойимга қўл учини узатди-да, тандир ёнига жадал бориб «енг»ни кийди.

Опоғойим, сўнг бобом қучоғидан чиқиб оқ ҳовли этагига кўз ташладим. Баҳор охирилаётган бўлиб ўриклар айна сарғайишга келганди. Ўша ёққа интилганимни кўрган опоғойим қайтарди.

-Келишларингни билиб иссиққина нон ёпиб турибман. Бир пиёла кулчатоингни еб олгин. Ахир, йўлдан толиқиб, қорнинг очиб келгансан болам!

Томоғимдан ҳеч нарса ўтмасди. Ўрикнинг қалин барглари орасидан олтинранг мевалар мени ўзига чорлаётгандек бўларди. Бобом буни сездди. Тишсиз милқларини кўрсатиб кулди.

-Боравер, лекин хушёр бўл, йиқилиб тушма тагин!

Қаёққа қараманг, кўм-кўк. Олма ва шафтоли ҳам довуччаларини маржондек осилтиришган. Опоғойим оқшомга яқин мошхўрда пиширди. Ҳар сафар овқат олдидан қатиқ келтириб қўйишарди, бобомдан қатиқсиз таом ўтмасди. Аммо бу гал сўрамади ҳам, ўтган ҳафта сигирларини сотиб юборишибди. Тарғил бузоқни ўйлаб кўнглим бўшашди. Опоғойимнинг айтишича, холамлар уй қуришаётган экан, пулини ўшаларга беришибди.

Мошхўрдани ичаётганимда кимдир эшикни тарақлатиб очиб, рухсат ҳам сўрамасдан ҳовлига кирди. Қўлида боғичли, ўртасида оқиш тугмаси бор кичкина жигарранг сумка. Меҳмонни кўрган бобом негадир «уф» тортди. Қўлидаги қошиқни дастурхон устига гашлади.

-Ёмон кўрганнинг қош-қовоқ устида деб шуни айтадилар-да.

Бегонанинг ёмон одам эканлигини дарров сездим. Бобом ҳозироқ олдиларига солиб қувлаб чиқарсалар керак, деб ўйлагандим. Мени таажубга солиб икки қўллаб сўрашдилар.

-Қани овқат тайёр, мулла Камолжон, марҳамат қилсинлар!

Бегона бобомни зламагандек қўл учинигина узатди ва дастурхон тузалган тахта караватга қараб юрди. Уни кўрган онам уй ичкарасига кириб кетди.

-Меҳмонар келишибди-да, - деди ҳалиги бегона\_одам димоғида гапириб.

-Ҳа, ҳа, неваралар кўргани келишибди, - бобом шошиб жавоб қайтарди.

Бегона одам опогойим келтирган овқатни кавлаштирди-ю, нари сурди.

-Қорин тўқ. Хўш асосий масалага ўтайлик. Пул тайёрдир, ўтган гал ваъда бергансиз. Дарров чиқаринг, ишим шошилинич, вақтим йўқ.

Бобом каловланди.

-Матмуса охунга бордим қарз сўраб. Аҳмад ёғочоёқда, Қирғиз калтада, Салим оқсоқолдаям пул йўқ экан. Жон мулла

Камол, бир ойгина сабр қилинг, сабзи етилай деяпти. Бозорга чиқараману пулини сизга тутқазаман.

Камол деган одам бобомга масхаралагандек илжайиб тикилди.

-Кап-катта одам алдагани уялмайсизми, пул йўқ деб. Молингизни сотганингизни эшитмаган деб ўйлайсизми. Сиз шохида юрсангиз, биз баргида юрамиз, тоға. - Кутилмаганда семиз кафтини шапиллатиб чиройли сумкачасига урди. - Майнавозчилик қилманг, ё, Совет ҳукумати билан ўйнашяпсизми?

Бирданига бобомнинг ранги қув ўчди.

-Ҳукумат билан ўйнашиб бўладими, укам, бизнинг бошимизни силаяпти. Тепамда худо, молни сотганлигимиз тўғри, аммо пулини бир тийин олмадик. Хабарингиз бор, кичик қизимнинг уйи ёниб кетди, очиқ ҳавода шувдираб қолишди, зри фронтовик, инвалид, тийинигача тутқазганмиз қўлига.

-Мен ҳеч нарсани билмайман. Агар ҳозир топмасангиз, милиция бошлаб келиб уйингизни рўйхат қилдираман. Ҳовлингиздан тонналаб мева сотяпсиз, деб қамоққа тикиб қўймаганимга шукур қилинг!

-Айланай, Камолжон, - ичкаридан рўмоли учини тишлаган опогойим қимтинибгина чиқиб келди, - Бувангиз одам бўлиб бозорга бир челак мева кўтарган банда эмас. Бир кишлоқданмиз, инсоф қилинг, пича. Болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг.

Камолжон деганининг юраги тош экан, юшмади. Ўрнидан кўзгалар экан, кўрсаткич бармоғини ҳавога ниқтади.

-Гапим гап. Мениям текширадиганлар бор. Кечкурун милиционерлар билан келаман.

Милиция номини эшитган бобом шўрликнинг озгин ияклари «пир-пир» учарди, жойидан туришга мажоли етмаётгандек эди. Бувим бечорани ҳам кўзлари ёшланди.

Шу пайт остона ичкарасида турган онам чиқиб келди. Қўлида қандайдир ялтираган нарсани ушлаб олганди. Қарасам, кўрсаткич бармоғидан ҳеч қўймайдиган узуги.

-Ота, манавини бера қолинг. Деҳқончилигингиз битганида бошқасини олиб берарсиз.

-Вой, қўй болам, нима қиялсан! - Опогойим қайтармоқчи бўлди.

Бобомнинг ҳам энди чапақай жаҳли чиқди, худди уйқусидан уйғонгандек ўрнидан сапчиб турди.

-Еб-ютвор Камол! Қўлингда осмон бўлса ағдар устимизга. Отанг туппа-тузук одам эди, сен ўхшамадинг харом тукигаям!

Кейин онамга қараб шахд билан ўгирилди.

-Тақиб ол қўлингга, яхши кунларингга, деб олиб берганман.

Вазият чигаллашганини кўрган солиқчи бўшашгандай бўлди, аммо онам сўзидан қайтмади. Бобом ва опогойим ораларидан сирғалиб ўтиб кафтидаги узугини ҳалиги одам олдига иргитди.

-Мингдан-минг розиман. Ота-онамни тинч қўйсангиз, бас!

Уйга қайтганимиздан кейин ҳам онамнинг анчагача узук тақиладиган бармоғини отам сўраб қолишидан ҳадиксираб боғлаб юрганини унутмайман.

Бошланғич синфга қатнаётган кезларимдаги яна бир борганлигимиз ҳам ҳамон эсимда. Баҳорги таътил кунларида онамга эргашиб Кемабошига йўл олдик. Лекин ўзимизга қадрдон эшикдан киришимиз билан гўё бошқа ҳовлига келиб қолгандек бўлдик. Ҳовли сочи қирилмаган бошдек яйдоқланиб қолган эди.

-Нега дарахтларни кесдингиз? - дедим чолиб бориб бобомни кучоқларканман йиғламсираб. -Биз нима еймиз энди?

Бобом бу гал гўё бизни кўриб қувонмагандек эди. Хомушроқ боқар, ихчамгина жуссаси янаям чўккан, озгин юзидаги ёноқлари баттар туртиб чиққанди.

-Бундан буёғига сизларни Сталин буваларингиз боқади. Москвадан мева юбориб туради.

-Урра-а-а!- дедим бобомнинг хазин жилмайиб айтган гапининг мағзини чақмасдан. -Бизга Сталин бобом ўрик юбораркан.

Бобом сал наридаги ўрик тўнкасига санчилган болтани олиш учун кетаётганида яна «ура» деб мақтаниб бақираётганимда акам туртди:

-Жинни-пинни бўлдингми! Ишламайдим калланг, ахир Сталин Москвадан ўрик жўнатармиди! Мева пишмайди у ёқларда. Совуқ!

Нафасим ичимга тушди.

-Мени алдабсиз-ку, - дедим бобом ёнларига чопқиллаб бориб. - Сталин бобом ўрик жўнатмайди, акам айтди, у ёқлар совуқ экан, ўрик пишмасмиш. Велосипед олиб беришингиз ҳам ёлгон эканда бўлмаса!

Бобом дағал қўллари билан бошимни силади.

-Вой, ўғлим-ей, шунақа билимдонман дегин. Кўнглинг хотиржам бўлсин, велосипед албатта бўлади!

-Йўқса, нега ўрикни кесдингиз?



Бобомнинг чўзинчоқ юзи жиддийлашди.

Буни катта бўлганингда айтаман. Ҳозир тушунмайсан.

Бобом алдамади. Бир қулоғида чаноғи бор эшагини арзон гаровга пуллаб менга икки гилдиракли кичкинагина велосипед олиб берди. Улғайганимда дарахтларнинг кесилиши сабабини бобомдан сўраш насиб этмади. Ёши Сталин билан тенгдош бобом «дохий» вафотидан бир ойча кейин кўз юмди...

Бобожонимиз айтишга улгурмаган «сир»ни, бир умрлик манглай тери звазига яралган богни кесиш учун қўлига арра ушлатган сабабини ақлим тўлганидагина англаб етдим. Сталин даврида ҳар тул ўрикка бир бош қўй бадалида қишлоқ хўжалик даромад солиғи жорий этилган экан. Ёшлигида отдан йиқилиб елкаси синган ярим жон бобом, турмуш заҳматари туфайли қадди зрта букчайган опогойим бунча солиқ пулини қаердан топишарди!

## БЎРИБОСАР


Гоҳо, итларнинг садоқати, меҳр-оқибати ҳақида гап кетганда, Бўрибосар ҳаёлимга келади. Палов келтириб отам ҳар биримизга устихонни узатганида ўзимга тегишлисини оғзимга олиб бориб чайнаётгандек қимирлатганим, аслида, чўнтагимдаги кир рўмолчага ўраб аста беркитганим, сув ичиш баҳонасида айвонга чиқиб, менинг бу одатимга ўрганганидан илҳақ кутаётган Бўрибосар олдига ташлаганимча ичкарига қайтганим, ит билан қадрдон дўстдек гаплашганларим... ҳамма-ҳаммаси кечагидек эсимда. Айниқса, Оқбулоққа кўчиб келганимиздаги садоқатини ҳеч-ҳеч унута олмайман.

Ташқарида бўрон увилларди. Тахталари эскириб, қуруқшаб ёрилган қўш табақали уй эшигига солинган илгакка ҳам ишонмасдан тирговуч қўйганмиз. Чўлга кетган отам қайтишга улгурмаслигини огоҳлантирган.

Кун бўйи рўзгор ташвишида ҳориган онам уйқуга кетган. Акам икковимиз бўрон гувиллашига қулоқ тутарканмиз, юрагимизни ваҳима қоплайди.

-Девлар шунақа гаплашса керак, - дейман ташқаридаги даҳшатли шовқинга ишора қилиб. Акам анчагача гапларимни тинглаб жим ётди. Кейин секин туртди.

-Эшикни бир нима тирнаяптими?!



Баданимда чумоли ўрмалагандек бўлди. Кўрпага беркиндим. Бўри ёки алвасти бўлса-я! Отамиз йўқлигини билиб бизни ўғирлаб кетишга келдимикин?

Акам бироз тек ётди-ю, онамни уйготди.

-Қаранг, зшикни тирнаяпти.

Уйқусираган онам акамни бошини силади. Ўзича мени ухляпти, деди шекилли, иши бўлмади. Шуниси роса алам қилди.

-Бўри, - дедим йиғламсираб.

Онам мен томон ўгирилиб бағрига босди.

-Бўри нима қилсин, болам, шамол бу, ухланглар! Ҳозир тонг отади.

Ҳарчанд кўзимни юмай, уйку кела бермасди. Эшигимиз ортини худди каламуш кемираётганга ўхшарди. Унинг ёнига итнинг мунгли инграши ва нолиши кўшилди. Бўрибосарим бўлса-я! Итим эсимга тушиб томоғим ачишди, кўзимга ёш келди. Кўркувдан қизиқиш устун чиқиб эшик ёнига бордим, ростдан ҳам инграш таниш туюлди.

-Бўрибосарим, зшикни очайлик, - дедим онамга.

-Итинг бу ерларга кела олмайди кўзичоғим, қишлоққа қайтиб кетган. - Онам ишонмагандек менга тикилди.

У маҳалларда Қорадарё тўлиб-тошиб оқарди. Ҳозир автомашиналар ёнма-ён гуриллаб ўтаётган темир бетон кўприк ўрни ҳам ҳайҳотдек ёйилган кенглик эди. Дарёнинг икки соҳилига тортилган пўлат арқонга паром боғланиб йўловчи ва автомашиналарни пайдар-пай ташиб турарди.

Кўчимиз юкланган автомашина паром ўртасидан жой олди. Унинг устида мен билан ёнма-ён чўққайган Бўрибосарга, ногоҳон мўйловли тарвақайлаган хўппа семиз кемачининг кўзи тушди-ю, авзойи бузилди.

-Итни дарров туширинглар, фариштасиз ҳайвон бу!

Паромдаги бошқа иримчи йўловчилар ҳам уни қувватлашди. Йиғлашимга қарамасдан итни машина тепасидан судраб туширишди ва қирғоққа қараб улоқтиришди. Паром жойидан кўзғолди.

Бечора Бўрибосар қирғоқ бўйлаб гингшиганича роса у ёқдан - бу ёққа чопқиллади. Паромдаги юраги тош одамлар фақат масхаралаб кулишарди, холос.

Дарё ўртасига етганимизда итнинг иложсизликдан сувга сакраганини кўрдим, тумшугини сувдан чиқазиб анча масофага сузиб келди. Сунгра... тўлқинлар орасида кўздан йўқолди. Онам

«итинг орқага, қишлоғимизга, бувингнинг ёнига қайтиб кетди» деб мени овутди

Эшик табақалари бетиним тирналади. Акамнинг қайтаришига қарамасдан илгакка кўлимни чўзганимда онам ўрнидан туриб тошфонар пилигини кўтарди. Сомон сувоқли уйимиз ёришди.

-Шошма, - деди мени имлаб ва бурчакдаги узун дастали ҳовли супургисини кўлига оларкан. Акамни ҳам ёнига чақириб ўқловни тутқазди. Бўрибосардан ўзга итми, нима бўлмасин бошига соласан, аямайсан!

Милтиқ ушлаб пойлоқчиликда турган соқчилардек иккиси ўнг ва чап томонимда тек қотишди. Мен эҳтиёткорлик билан илгакни чиқариб эшикни қия очдим. Бўрибосарнинг оқ холи, таниш тумшуги кўринди.

-Бўрибосар! - дедим овозимнинг борича бақириб. -Янги уйимизни қандай топдинг? Сира кўрмагандинг-ку, ахир?

Ит ичкари кириши билан эшикни қайта беркитдик. Бутун жуни ҳўл, хас-хашак илашган ит шамолда қолган терак баргидек титрар, бетоб одам сингари бетиним гингширди, ҳўллигидан оғирлашган думини аранг қимирлатиб силкитишга уринарди. Акам билан қувонганимиздан уйни бошимизга кўтариб ўйинга тушардик. Ҳозир бизни бўрон ҳам ортиқ ваҳимага солмас, ахир, ёнимизда садоқатли кўриқчимиз, ҳамишалик ҳамроҳимиз Бўрибосар бор эди.

Онам ўчоққа ўт ёқиб чойдишни кўйди. Қайнаган сувга кепак аралаштириб атала тайёрлади. Совугач, бурчакка эски кўрпача тўшаб, итга жой қилди ва овқатни кўйди.

Эртасига қуёш чарақлади. Ака-ука Бўрибосарни зргаштириб кўчага чиқдик. Ойбулоқлик болалар ҳам итимизга қизиқиб қолишди. Айниқса, улар орадан уч кун ўтгач, шунча катта дарёдан сузиб, қаёқлардандир бизни топиб келганига қойил қолишарди.

## **«РАҲМОНЧА» ЛАҚАБЛИ КАТТА БОБОМ**

Онажонимнинг падари бузруквори Каримжон бобом ҳақида Сизда сал эса-да, тасаввур ҳосил бўлган. Бобомнинг энг муҳим фазилати, гарчи саводсиз бўлса ҳам чинакамига шоиртабиатлигида эди. Қатор ўзбек халқ дostonларини ёд билар, эшитувчи топилса, соатлаб айтиб беришдан эринмасди. Кейинчалик китоб ҳолида нашр этилган бу дурдоналарнинг кўпларидан мен илк болалигим-

даёқ ана шу ноёб қобилият эгаси бўлган бобом ҳикоялари орқали хабар топганман. У, айниқса, отаси - катта бобомиз «Раҳмонча» чавандоз хусусида оғзидан бол томиб гапирарди.

Бобомнинг отаси «Раҳмонча» номи билан Қорадарё ва Қолган дарё воҳасида донг чиқарган машҳур овчи ўтган. «Отам ўртадан пастроқ бўйли, хипча, ўта тажанг, олтмиш ёшга кирганида ҳам соқолига оқ ораламаган қайсар одам эди, хикоя қилгани бобом. Жуссаси кичиклиги, лекин курашда ўта чапдастлиги, улоқда бировдан энгилмаганлиги учун шундай ном билан эркалатишар экан. Умрида учта от боққан, ҳар бирини тойчоқлигидан тарбиялаган. Айниқса, улар ичидан «Ғиркўк» лақабли тулпорини кўп гапираркан. Ғиркўк икки марта жонимни, бир марта обрўйимни сақлаб қолган», деркан.

Отам тенгдошларининг тагин бир гапи эсимдан чиқмайди, деганди бобом. Раҳмонча шухратининг тенг ярмига Ғиркўк шерик эди. Ғиркўк кийикни қувлаб етарди. Майдонга тушдими, бошқа чавандозлар совриндан умидларини узардилар.

Бобомнинг ана шу ҳикояларидан қулоғимда қолган айримларини қоғозга туширишни лозим топдим...

## ҚАШҚИРЛАР ҚУРШОВИДА

Ойдинкўл ортидаги Бешкетмон қирида тустовуқ кўпайганлиги ҳақида гап тарқалди. Бунақа хушхабарни эшитган қайси овчи товонига қурт тушмайди дейсиз.

Тўрғай чулдурамасдан қирга етиб борган Раҳмонча нонуштагача ўнга яқин паррандани ҳуржунига жойлади.

Ёз - ёзлигини қилди. Бош тепасига осилиб олган қуёш аямасдан олов селини ёғдиради, йигит қамишлар панасига беркинишга мажбур бўлди. Уйга қайтишга осон ўлжа илинжи йўл қўймасди. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битар, пича чидаса, тустовуқлар кечки салқинда ўтлагани чиқишади. От оёғини тушовлаб қўйнидан зоғорани чиқарди, булоқ сувига ботириб тамадди қилди, қамишлар салқинида уйқу элитди. Ғиркўкнинг қаттиқ кишнаган овозидан чўчиб уйғонди. Кўзини очганида қуёш оғиб қолган. Қорадарё тарафдан энгил шамол эсаётгани.

Кечки ов ҳам бароридан келди. Қош қорайганда лўли ҳуржуннинг иккала кўзи ҳам ўлжага лиқ тўлган эди. Болалар роса хурсанд бўлишади, кўнглидан ўтказди Раҳмонча, бир жуфтини

бетоб кўшниси Ризвон кампирга чиқармоқчи бўлди. Юз-кўлини булоқ сувига ювиб отга ўтирди. Уйига қайтиш учун сўқмоққа чиққанида осмон четида юлдуз милтиллаганиди.

Паст овозда қўшиқ ҳиргойи қилиб йигирма-ўттиз қадам юрганини билади. От қаттиқ ҳуркиди-да, ортига тисланди.

-Чу, жонивор, чу! Нега тайсаллаяпсан? - Чавандоз ҳайрон бўлганича юганини силтади.

-Вов-ув! Вов-ув!

Яқинганадан, дарё қирғогидан бошланган қуюқ бурганлар орасидан бир неча бўрининг бараварига увиллаши эшитилди.

-Ҳаҳ, лаънатилар! - сўкинди Раҳмонча. - Қайси гўрдан чиқиша қолдинг? Кун бўйи йўқ эдинг-ку?

Тун ваҳшийлар йўлдоши, ҳимоячиси. Кундузи инида беркиниб ётадиган бўриларга оқшом жон киритади. Айниқса, якка отлиқни кўришса тап тортишмайди. Бунинг устига қон ҳиди келаётган ҳуржун ваҳшийлар нафсини қитиқларди.

Хаш-паш дегунча ўндан ортиқ бўри бурганлар ичидан судралиб чиқиб, от йўлини ярим халқадек ўраб олишди. Улар узун тумшукларини карнайчилар сингари тепага қаратиб ваҳима билан увиллашар, чавандоз бўштоблик қилса, от иккисини тилка-пора қилгудек эдилар. Ваҳшийлар домидан қутулишнинг ягона чораси ҳуржундаги овни битталаб бурганлар устига ирғитилса бас. Ваҳшийлар текин ўлжага овуниб туришганида секингина қочиб қолиш мумкин. Лекин Раҳмонча оғзидаги ошини олдирадиган гўсхўрлардан эмасди. Ахир, уйда болалар оч, ота-онасига ҳам талай фурсатдирки, ярим қадоқ гўшт етказиб беришга қурби етмаётганиди.

-Чучварани хом санабсанлар, - ҳайқирди овчи, - икки оёқли бўриларга ризқимни едирмаяпманки, сенларга бериб бўпман.

Чавандоз эгари ёнидан қўймайдиган учи тўмтоқ юлғун таёғини қўлига олди.

-Қани, ажалинг етган бўлса, яқинлашиб кўр, тушмуқларингни ёраман!

Раҳмонча орқа оёққа зўр бериб тисланаётган Ғиркўк жилловини силтади. От кимдир бўйнидан зўрлик билан судраётгандек олдинга икки қадам босгандики, бўрилар халқаси баттар торайди. Шу заҳоти орқадан ҳам бўри улиши эшитилди. Бошини бурган Раҳмонча икки жуфт ёниб турган қашқир кўзини кўриб бадани жунжикди. Манглайда совуқ тер томчилари ўрмалади.

-Ху, лаънати босқинчи! - чапдаги бўрилар галасига қарата таёқни силтади. Яқинлашаётган ваҳшийлар ўзларини орқага олишди. Энди бошқа тарафга қараб ўдағайлади.

От згаси шаштидан жонлангандек илгарига қадам босди. Аммо кутилмаганда илон чаққандек орқа оёқларини кўтариб зарб билан иргидики, чавандознинг згардан тошдек юмалаб тушишига сал қолди. Яхшиямки, таёқни силкитиш учун оёқларини узангига тираб от қорнидан қисиб олгани. Метин туёқлар нимагадир қарсиллаб тегди. Раҳмонча қайта ўгирилганида тумшуги ёрилган эшакдек бўри ажриқ узра типирчиларди.

-Яшавор, тулпорим! - қичқирди чавандоз ва таёқ билан узангига қараб тумшугини узатаётган кўк ёлли ваҳший белига туширди.

Фиркўк қийинчилик билан қашқирлар қуршовини ёриб борарди. От ва згасининг дадиллиги ваҳшийлар попугини пасайтириб қўйди. Улар эндиликда узангидаги чавандоз оёғига яқин келиб хиралик қилишга ҳайиқишар, от думини тишлашга ортиқ интилмасди.

Ой билан Зухро юлдузи тенглашганда сўнгги жуфт бўри кўзлари чўгдек ялтираганича қамишлар орасида ириллаб қолишди. Раҳмонча арава йўлига етгач, жиловни силтаркан, Фиркўк бўйнини қучиб эркалади. От ва чавандоз қашқирлар чангалидан қутилиб кетишди.

## **ҚАРОҚЧИЛАР ДОҒДА ҚОЛИШДИ**

Қурғоқчилик борлиқни ўз комига тортган. Қолгандарё билан Қорадарё ҳам силласи қуригандек жилдираб қолди. Қишлоқ теварагидаги беҳисоб кўллар суви камайиб, қамишзорлар қовжиради. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда ёнгин кўтариларди. Рўзгор тебратишда қийналган Раҳмонча Шўрттепа даштига овга отланди. Ёввойи тўнғиз бор, деб эшитган, омади кулиб қўлга туширса, ўзларини тиклаб олишарди.

От жиловини бўшатганича атрофга аланглайди. Чўккан нортую сингари қум барҳанларининг охири йўқдек. Изгирин эсади. Илдизидан бўшаган янтоқ туплари дашт узра баҳайбат тупдек пилдирайди. Овчининг синчков нигоҳи барҳанлар, унда-бунда умри тугаб бораётган қамиш туплари, сафсарранг попугини ҳорғин силкитаётган юлғунзорлар бўйлаб югурарди. Йўқ, бу ерда тўнғиз

учун емиш кам. Нарироққа, дашт ичкарисига юриш керак, ботқоқликлардан овқат қидиради бу калтатумшуқ.

Вақт пешинга борганда тўлатилган қопдек семирган жониворни учратди. Тўнғиз яримта қовун шаклли бархан ортидаги ботқоқликдан чиқиб келарди. Отликқа кўзи тушса, қайтадан ўзини ботқоқликка уриши турган гап. Овчи жиловни тарвақайлаб ўсган юлғун панасига қараб бурди. Эгар қошидаги ўн қулочлик арқон ўрамини олиб салмоқлади. Тўнғиз хавфдан беҳабар юлғун тупидан ўтди-ю, қўққисдан мунчоқдек миттигина кўзлари оҳиста пишқираётган тулпорга қадалди. Кейин мешдек қорнини осилтириб қочишга тушди. Бироқ кеч эди. Овчининг узун арғамчиси ҳавода илондек биланглаганича жониворнинг боши аралаш ўралди. Арғамчи таранг тортилгач, гупиллаб ерга йиқилди. От тўнғиз оғирлигини сезмагандек қум ва ўтлар бўйлаб осонгина судраб кетди.

Шўртепа даштликларидан Маргилон узоқ эмас. Кечга яқин отлик узун мўрконларидан кўкка тутун бурқсиётган шаҳар дарвозасидан кириб борди. Шаҳар кўчаларидан узоқ юрмади. «Кўчма уй»нинг пўлат излари бўйлаб болға кўтариб ишлаётган бир гуруҳ мужиклар тўхтатишди. Келишув қисқа бўлди. Юқдан қутулган овчи одмигина ҳуржунининг икки кўзига тўлатилган жўхори билан ортига қайтди.

Дарёга қараган йўлга бурилганида ҳорғин келаётган эшакли йўловчига салом берди. Уйқузирагандек кўринган эшакли чол қўли билан ниманидир ишора қилди.

-Ҳа, ота, нон берайми?

Нуроний қуриқшаган бармоқларини дуога ёзди. Сўнг йигитга шивирлади:

-Қўйоққан жарликка юрма, қароқчилар уя қуришган. Чапга бурил, йўл узоқ бўлсаям, беҳатар!

-Раҳмонча чолга раҳмат айтди-ю, бир зум ўйланиб туриб қолди. Чапга юрса, ҳуфтонгачаям уйга етмайди. Қўйоққан жарлик ярим баравар яқин. Эгари ёнидаги юлғун таёқ бандини ушлаб қўйди. Ёнидаги қайрилма сопли пичоқни сийпалади.

Йўл ўша машъум жарликка етганида қисилган тоғ жилғасидек тораяр, чапда дарё, ўнгда икки терак бўйи баландлик. Раҳмонча юлғун таёқни ипдан бўшатиб тақимига қисди. Пичоқни қинини олдинга сурди.

Ногоҳ, баданидан чумоли ўрмалагандек бўлди. Юраги увишди. Жарликдан ўн-ўн беш қадамча бериди турли тахлитда уч

жасад қаторлашганди. Нарироқда, ажриқ чимдиётган зшак ортидан ҳам салласи чуваланган яна бир калла кўринарди.

Раҳмонча беихтиёр жиловни тортди. Улгурмади. Адирлик устида уч шарпа пай бўлди. Қандайдир ғайри-табiiй шуур билан орқаган қаради. Ҳозиргина босиб ўтган дўнглик устида ҳам таёқ ушлаган уч барзанги қаққайганди. Қайтиш йўли ҳам тўсилибди.

-Жонингдан умид қилсанг, отдан туш! Жиловдан ушлаб бизга қараб юр! - олдинги тарафдаги баланд тепада турганлардан бири қўлини паҳса қилиб бақирди. - Отингни ҳув анави қурилган дарахт тупига боғла! - ҳалиги нусха буйруқ беришда давом этди. - Бошингдаги қалпоқни, чакмонни еч!

-Энди улар сенга керакмас? - буйруқ бераётганнинг ёнидаги хоҳҳолаб кулди.

-Раҳм қилсак, ҳаётингни бола-чақангга қолдирамиз! - биринчи бўлиб гапирган юмшагандек деди.

-Раҳм қилмасак пешонангдан кўрасан! - иккинчи совуқ нусха ҳудди биров аския айтаётгандек тагин хоҳҳолади.

Бу сўз ҳукм ўқилгандек гап эди. Олдинда ҳам, ортида ҳам йўл йўқ. Отни чоптириб бориб дарёга ўзини ташлаш ҳам жаҳаннамга ихтиёр билдириш дегани. Анча пастда кўпириб оқаётган сув тирик жонни соғ чиқармайди. Олишувдан фойда кам. Биринчидан, улар кўпчилик, иккинчидан, четдагисининг кўлида пилта милтиқ қорайиб турарди. Негаям чол маслаҳатига қулоқ солмади экан?

-Майли, тақдирда борини кўрамиз, акалар. - Раҳмонча синиқ овозда жавоб қайтарди. -Фақат битта илтимос, оёғим ногирон, бир қадам ҳам юра олмайман. Мени отга миндириб, кўтариб туширишади. Бозорлигимни, кийим-кечагимни олинглар, пича пулим бор, уям сизларга, менга насиб қилмаган экан. Отим билан ўзимга тегмасаларингиз бўлгани.

-Алдаяпти, оёғида дармон қолмаган, - ҳалиги қулонғич қароқчи масхаралаб чинқирди. -Аҳмад, иштонидан умид қилма!

Орага жимлик чўкди. Босқинчилар ниманидир маслаҳат қилишарди.

-Майли, айтганича бўлсин, - буйруқ берган жавоб қайтарди. - Дарахтгача отингда келақол. Бошқасини ўйлаб кўрамиз.

Дарахт ортидаги харсанг панасида икки қароқчи беркиниб турган экан. Милтиқли ҳамон тепада. Қолганлари улар ёнига тушиб келишди. Бирида таёқ, иккинчисида офтоб шуъласида тиги



ялтираётган ойболта. Бошқасида қиличга ўхшашиб кетадиган узун пичоқ.

Раҳмонча эгилиб узангини тузатган бўлди-ю, сездирмасдан юлгун таёғини ўнглади. От устида юввошгина бошини эгиб келаётган чавандоз йўлини тўсиб чиқаётган қароқчиларга ўн қадам етмасидан жilовни кескин силтади-ю, қарсиллатиб от саргинига қамчи босди. Эҳтимол, Фиркўк эгасидан биринчи ва охириги аччиқ калтакни ўшанда егандир. Тулпор олдинги иккала оёғини осмонга сапчиётгандай юқорига кўтарди-ю шу заҳоти олдинга томон ўқдек учиб кетди. Бақувват ва басавлат кўкраклари, темирдек туёқлари кимларгадир урилди. От туёқлари остида эзилганларнинг дод-войи эшитилди. Раҳмончанинг шундоқ қулоқлари остидан тош визиллаб учиб ўтди.

Омон қолган қароқчи ирғитган болта узангининг пастки қиррасини ялаб ён тарафдаги тепаликда чанг кўтарди. Тепалик панасидан чиққанида қулоқни қоматга келтириб милтиқ гумбирлади. Бир зумда машўм жарлик қирғоғи чанг-тўзон ичида қолиб кетди.

Тулпорини қанча масофагача елдириб борганини билмайди. Фақат кўкимтир, узун бўйнидаги ёллари хўлланиб, қорамтир тусга киргандагина Фиркўк қора терга тушганини сезиб йўрғалатишга ўтди.

## ҚАНОТ ЧИҚАРГАН ОТ

-Раҳмонча полвон келди!

-Отини кўринглар, нақ юлдузни кўзлайди-я!

Шовқин-сурон орасида бошқача овозларни ҳам эшитиш мумкин эди:

-Муштумдеккина шу одамми Раҳмонча полвонинг?

-Довруғи оламни тутади-ю, ўзи жинқарчадеккина-ку!

Одамларнинг пашшадан фил ясашларини кўринг!

-Оти касалми дейман. Фиркўк деса юлдузни кўзларканда, деб ўйласам, мангал эшакдан фарқи йўқ-ку!

Бошқа биров кулди:

-Саттор полвон билан Ўқчи девкорнинг тулпори оёқлари остида мажақланмаса гўрға эди!

Кимдир бор овозда унинг сўзини маъқуллади:

-Чавандози билан кўшилиб дея беринг!

Оломон орасида айтилаётган, гоҳ қувват бағишловчи, гоҳ таҳқирловчи хитоблар сайлга кечикиб келган Раҳмонча қулоғига кирар, бири осмонга кўтарса, иккинчиси ерга уриб салкам ақлдан оздиришгача етказаетгандек эди.

Ҳамма айб ўзида. Кўпқарига кечиккан чавандоз ярим омаддан айрилади. Жўхориға олдинроқ ўроқ солганида тўда бошида шамолдек елаётган чавандозлар қаторида бўлмасмиди! Ўтган оқшом анчадан бери кўрпа-ёстиқ қилиб ётган отаси бош кўтарди. Барчасини хурсанд қилиб сербутоқ ҳассасини дўққиллатганича уйлари орқасидаги томорқагача айланди. Сарғая бошлаган узунчоқ поялари маҳзун қимирлаётган жўхоризорға қараб бошини қимирлатди:

-Кўзинг ёчиқми сени, ё ожизланиб қолдингми?

Раҳмонча ҳайрон бўлганича отаси танбехини тингларкан, ҳеч нарсага тушунмасди. Ахир, экин чакки битмабди. Бошоқлар донга тўлиқ. Ярим таноб ердаги тирбанд пайкални шу ҳолга келтиргунча озмунча манглай тери тўкилдими?

-Нега анқаяпсан? - чол титраб бақирди. - Гўдакларға ишониб донни қуришиб бўпсан-ку! Чумчуқ чўқиламаган биронта бошоқ йўқ ахир.!

Отасининг куйиб-пишганича бор. Эрта-индин деб ҳақиқатан йиғиштиришни кечиктириб юборди.

-Эртага пешингача жийдадан берисининг бошоғи айвонда бўлсин! - отаси шуларни айтди-ю, ҳассасини дўққиллатиб қачондан бери ётган тахта кароватда тагин узала тушди.

...Улкан майдон айланаси одамлар билан тирбанд. Қуш бозори сингари аралаш-қуралаш ҳалойиқ отлар ари уясидек гужвон ўйнаётган тўпдан кўз узмайди. Майдон ўртасида, уй томидек баландликда қурилган сўрида набира тўйи ўтказаетган Ҳожиматбой шаҳар амалдорлари қуршовида давра қурган. Кимки улоқни майдонга айлантириб қарават пойига келтириб ташласа, соврин ўшаники. У ёқдан - бу ёққа чопқиллаётган тулпорлар галасини кўрган, улоқ ва пойгага ўрганган Фиркўк безовта. Отадаги бедорлик чавандозга ҳам кўчди. Юраги дуқиллаганича давра теварагини айланаркан, қитмироқ томошабинлардан бири тагин киноя қилди:

-Отни ортиқ қийнай берманг, қариндош, арванинг гупчагига бўлсаям боғлангда қаторға қўшилинг, ўйиннинг қизиги ўтиб кетяпти.

-Хаяжондан қалтираётган Раҳмончанинг хаёлида нимадир «ярқ» этди. Араванинг гулчагига деяптими? Ўртага ўтиш йўли тўсилепти, хўш, арвалар тепасида одам йўқ-ку! Улоққа кўшила олмасдан қишлоққа юзи шувит бўлиб боргандан кўра арава шотисигами, гулчагигами урилиб ўлгани минг бор афзал эмасми!

Фиркўк бошини майдон четини маржондек ўраб турган арвалар четига қараб бурди. Кўпқари ортидан эргашган тўда шу тарафга яқинлашиб келарди. Ҳамманинг кўзи шу ёқда.

-Ҳа, Фиркўким, кўрсат кучингни! - чавандоз шундай дея чинқирганича майдон четини девордек тўсиб турган арвалар тўсигига қараб юрди. Кўпчилик аввалига майдон ташқарисида от чолтираётган чавандознинг мақсадига тушуниб етмади. Бу пайтда от ичкарида ёввойи овозда ҳайқираётган тўда томон яқинлашиб келарди. Ниҳоят кўз олдида арвалар тўсиги қаторлашганида чавандоз отни рағбатлантиргандек жиловини қаттиқ силтади-ю, кўзини «чирт» юмди. Фиркўк тўсиқ қаршисида иккиланмади. Худди қанот чиқаргандек бири-иккинчисига тирмаштирилган арвалар шотиси узра юқорига қараб сакради. Шу лаҳзада чавандоз от бўйнига қапишиб гўё унга сингиб кетгандек эди. Фиркук туёқлари ерга гупиллаб текканида мўжазгина оқ чорси боғланган бошини кўтарди-да, тер ва чанг чилла туманидек кўтарилаётган тўда орасига кўшилиб кетди. Фиркўк арвалар тепасига сакраганида бир дақиқа сув қуйилганидек сукунат чўккан майдон бўйлаб момақалдиरोқ гумбирлагандек қудратли ҳайқирӣқ янгради:

-Раҳмонча полвонга офарин!

-Раҳмонча тулпорининг қаноти бор, деб эшитардик, рост чикди! - оломон чавандозни олқишларди.

Шу хуни Раҳмонча юз чоғли отлар тўпи ичидан уч бор кўпқарини қўлга киритди ва каттагина совринга эга бўлди, билаги бақувватлигини, отининг куч-қудратини намоён этди. Фиркўк эса қанотли тулпор, деган ном чиқарди.

## МЕНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ТОҒАМ

*Ўрмонларда, боғларда,  
Қадам етмас тоғларда,  
Бир айиқ яшар экан,  
Ғалвани бошлар экан.*

Қачонки, айиқполвон ҳақида ўқиб олсам Арслонбоб қишлоғида яшаган Раҳмонберди тоғам ўргатган ана шу шеър

ёдимга туша беради. Ҳар йили уйимизда меҳмон бўладиган, кўргани борганимизда узун ёлли саман тулпорига миндириб, эриниш билмасдан тоғ-тошларни хўп кездирган тоғам болалик хотирамда нурдек ёрқин из қолдирган. Тоғам новча, барваста, қопқора жингалак соқолли киши эди. Бошидаги чўғирма телпагини, жигарранг жун пўстинини, қирғизчани нуқта - вергулигача жойига қўйиб гапираётганини кўрган одам уни ҳеч ўзбек деб ўйламасди. Қирғизлар менинг туғишганларим, ака-укаларим, қариндош-уруғларим, дерди баъзан негадир уф тортиб. Кексайганида бу гапни, айниқса, кўп қайтарадиган, гоҳо, кўзларига ёш олиб «тупрогим шу ерда қолиб кетадиган бўлди», деб зорланадиган одат чиқарди. Болалигимда бу надоматлари маъносига ақлим етмасди. Улғайганимда, вақти-соати келиб тоғам дунёдан кўз юмганидагина кўп нарсаларни англаб етдим.

Йигирманчи йилларнинг охирида ўлкада ур-йиқит қабилада колхозлаштириш авж олиб «қулоқ»лар рўйхатига тушганларида отасига эргашиб сиёсатдан олис Қирғизистоннинг тоғ қишлоғига қочган экан. Шу-шу қирғизлар орасида қолиб кетишган. Ўша ерда бола-чақа орттирган. Сўнги кунларгача туғилган қишлоғига, экинзорлари четидан дарё шовиллаб оқадиган киндик қони тўкилган тупроққа қайтиш илинжида яшади-ю, мақсадига етолмади.

Мен Арслонбобга кўп борганман. Ҳамқишлоқларининг тоғам ҳақидаги илиқ сўзларини эшитиб кўнглим кўтарилган, бобомнинг довюрак, қийғир кўз укаси билан фахрланганман. Ҳозирда ҳам гоҳо, тоғам «тирноқлари»ни кўргани йўлим тушганида ҳамқишлоқларининг:

-Эҳ, Раҳмонберди оға бошқача одам эди, кўчамизни тўлдириб юрарди, - деган мақтовларини эшитганимда бошим осмонга етади.

Бирон ўнғурда ёввойи тўнғиз, қашқир ёки қоплон пайдо бўлгани хусусида миш-миш оралаганда чолларнинг:

-Раҳмонберди бўлганидами, бир зумда аниқларди, тинчитма-гунча уйқуси келмасди, - дея бош тебратганларни кўрганман.

Тоғам эндигина вафот қилган кунлардаги маросимларнинг бирида унинг айиқ билан яккама-якка олишганлиги тўғрисидаги ҳикояни эшитдим. Қарангки, тоғам бу ҳақда бирон марта оғиз очмаганди-я!

-Раҳмонберди билан басма-бас вояга етиб бирга кўчага чиққанмиз, фронтга ҳам битта поездда кетганмиз, - деганди

тоғамнинг чал оёғи калта тенгдоши. -Дўстим урушдан мендан кейинроқ қайтди. Биз ўрмон хўжалигида ишлаб овчилик қилардик. Бир сафар тоғдан тушсам, хотини Бузахро бизникида ўтирипти. Милтиғини олиб уйдан чиққанича уч кундирки дараги йўқлигини айтиб йиғлади. Қараб турайми, ахир, у менга жигаргўшадан афзалку! Белимни қайтадан боғладим. Камаримга патронтошимни осиб қишлоғимиздан чиқаётганимда ёнғоқзор оралаб тоғ ёнбағридан тушиб келаётган ўртоғимни кўрдим. Юз-кўзи мушук тимдалагандек, кийимлари титилган. Ранги бир ҳолатда. Елкасида дарахт новдалари билан боғланган каттагина юк. Менга қараб ҳеч гап бўлмагандек тиржаяди. Шундагина овчининг бошига қандай кун тушганини сездим, дўстим айиқ полвонга дуч келганди. Тафсилотини кейинроқ ўзи сўзлаб берди...

Тоғамнинг тоғ ичкарисисидаги қўшни Тумор қишлоғида яшовчи таниши бозорда учрашганларида нолипти.

-Раҳмонберди, сенинг зўр овчилигингдан хабаримиз бор. Маҳаллангда терак ўсса сояси тушади, деганлар, сенинг ҳам ёрдаминг тегсин бизга!

Тоғам ҳайрон бўлиб тикилибди.

-Пул берайми? Зориқсанг, уйимдаги икки бош қўйимдан бирини олсанг ҳам розиман, ҳолинг келганида қайтарарсан.

Қўшни қишлоқлик тоғам жавобидан кулиб бош чайқабди.

-Сахийлигингни биламиз, ўртоқ, сенинг кўмагингдан кўплар бахра олишган. Аммо биз пулингга ҳам, молингга ҳам зор эмасмиз.

Тоғам танишини четга бошлапти.

-Ўнг қулогингни чап қўлинг билан қашлама, жигар, асли нима демоқчисан?

-Қишлоғимиз аҳолиси бошига кулфат тушди, - қўшни қишлоқлик чуқур хўрсиниб қўйибди. -Қора чўққи атрофидаги кўнғир айиқ ташриф буюришга одатланди. Чамаси қутирган шекилли, бировдан ҳайиқмайди. Кечалари бўкириб қишлоқ оралайди, экинларимизни лайҳон қиляпти. Бир неча итни ёриб кетди. Қўшним Холмирза чўлоқнинг буқаси ҳам айиқ қурбони бўлди.

Ушанда тоғамнинг урушдан қайтганига икки йилгина фурсат ўтган, айна навқирон пайти экан. «Кўнғир полвон»ни астойдил суриштирибди. Аммо уйда хотини Бухажалга бу тўғрида оғиз очмади. Белига икки дона зогорани тугибди-ю, миллиқни елкасига осиб индамасдан уйдан чиқибди. Бухажал тоғам суриштирганни ёқтирмаслигини, барибир, жавоб қайтармаслигини биларди.

Қолаверса, тоғамнинг ирими бўйича аёл хабардор бўлган ов бароридан келмас экан.

Тоғам Тумор чегарасидан ўтганида қош қорайган, кечиккан қушлар инларини ахтариб чирқиллашарди. Келганини ҳеч кимга сездирмабди. Қишлоққа кираберишда, тоғ йўлаги бошланишидаги кимсасиз ташландиқ иморат томига чиқиб ўрнашди. Танишининг уқтиришича айиқ айни шу ёқдан йўл соларди. Қани, бу маймоқ тўполончи билан бир беллашгани бўлсин!

Тоғ шароитида кун ботдими, сал ўтмасданоқ борлиқни зулмат қоплайди. Чўққилар ортидан ёпирилган булут тўдаси қоронғилиқни баттар қуюқлаштиради. Даҳшатли маҳлуқдан ҳайиққан одамлар эшик танбаларини қаттиқроқ тирашди. Моллар мўрамас, ҳатто итлар ақиллаши ҳам эшитилмасди. Гуёки бутун жонзот ер остига кириб йўқолгандек эди.

Тун ярмига бориб зимистонлик пардасига қўшилган булутлар йиртиғидан ой мўралади. Кулдаги чўғдек бўлиб онда-сонда юлдузлар йилтиради. Тоғам қақирилмаган меҳмонни қута-кута кўзи илинганини сезмай қолди. Уйқуси аралаш бўғиқ бўқирган овоз қулоғига чалинди. Сесканиб уйғонди. Дарҳол таниди, бу айиқники эди.

Милтиқ дастасини қаттиқ сиққанича қоронғиликка тикилди. Баҳайбат қора шарпа бешиктерватдек шошилмасдан чайқалиб келарди. Унча-мунча кўз қоронғиликда уни пайқамаслиги мумкин, лекин овчининг нигоҳидан кам нарча қочиб қутилади. Бежиз эмаски, тоғам етмиш ёшида ҳам кўзойнаксиз газета-журнал титкиларди.

Аввалига шарпага қарата кўштиғдаги «тўнғиз» ўқларини қаторасига бўшатмоқчи бўлди. Аммо бемаҳалда милтиқ гумбарлатишнинг ҳожати бормикин? Бусиз ҳам қўпол маймоқдан қишлоқдагиларнинг юраги така-лука. Яхшиси, айиқ қайтишини кутгани, ортидан изма-из бориб четроқда, одамлардан олисроқда тинчитган маъқул. Булут тарқаб ой ёришяпти. Уясини кўриб олса кифоя. Эрталаб осонгина бир ёқли қилади.

Гоҳ қишлоқнинг у еридан, гоҳ бу еридан бўғиқ ўкирик янграрди. Босқинчи «хунар» кўрсатаётган, кимнидир сўтаси сут бойлаётган маккажўхорисини, бошқа бировнинг пичоққа илинган сабзи пайкалларини пайҳон қилаётган эди. Етар зўравонлигинг ваҳший! Кунинг битди энди.

Айиқ шундай маҳлуқки, ўз уясини ҳар қандай шароитда адашмай топади, бир юрган сўқмоғини эздан чиқармайди.

«Жанжал» кўтариб зериккан, ўғирлик таомлар билан қорин қаппайтирган зўравон яна тоғ тарафга қараб ўрмалади. Тоғам томдан аста сирғалиб тушиб, ваҳший кетидан эргашди.

Маймоқнинг лўкиллаб бораётган шарпаси йигирма-ўттиз кадамчагина олдинда эди. Қишлоқдан анча олислашди. Ой кўтарилиб кумуш ёғдуси борлиқни равшанроқ ёритарди. Айиқнинг букри елкаси, тарвақайлаган йўғон гавдаси аниқ кўзга ташланарди.

Сийрак шумтол оралаб ўтиб ўтлар қалин ўсган саайхонликка чиқишди. Фурсат етди. Овчи милтиқ кўндогини елкасига тирадида, тепкисини босди. Ўқ товуши қоронғилик бағрини ёриб алангалади-ю, даҳшатли гумбирлаши борлиқни титратиб юборди. Иккинчи тепкини ҳам босди. Чик! Ие, бу нимаси? Бармоғи тагин тепкига югурди, ҳеч гап йўқ. Эҳ, каллаварам, патронга адашиб чақилган пистон ишлатган шекилли! Ўйлаб ўтиришга ҳам, милтиқни қайта ўқлашга ҳам фурсат йўқ. Ўқ теккан айиқ жон ҳолатда ҳар қандай жонзотни тилка-пора қиларди.

Тоғам, айиқ газабланиб ўкирганини ва калта бўйнини ортига бурганини кўрди-ю, шумтол тўпига қараб ўзини урди. Қанча чопқиллаганини ва қаерга келиб қолганини билмасди. Шохлари ҳар томонга тарвақайлаган қайрағоч ёнгинасида тўхтаган эди. Пастда қолишга чўчиди. Эгри танасига осилиб осонгина тепага кўтарилди. Агар шу ергача топиб келиб юқорига осилгудек бўлса, миясининг қатигини чиқаришни дилига тугди. Дарахтнинг айри танасига минди. Қўл югуртириб ҳаётига зомин бўлишга сал қолган патронни суғуриб узоққа иргитди. Белидаги патронтошда қаторлашган ўқлардан олиб милтиққа жойлади. Айиқ шарпаси сезилмади.

Уфқ оқариб тонг ёришди. Тўрғай чулдирашни бошлагандагина тоғам қаттиқ очиққанини ҳис қилди. Қайрағочдан хиёлгина наридаги ариқ сувида юзларини чайқаётганида қаттиқ ачишгандай бўлди. Шундагина кечаси айиқдан қўрқиб чопқиллаб кетаётганида юз-кўзларига шох-шабба урила бериб мушук тимдалагандек тилимланганини сезди.

Нафси алдангач, тунда айиқ билан тўқнашган сайхонликка йўл олди. Ҳаваскор овчи ҳам қон изига қараб ярадор ҳайвонни қийналмасдан топди. Айиққа ўқ теккан пайтда тўхтаган жойидаги ўт-ўланлар топталган, қон халқоби кўзга ташланарди. Бора-бора халқоб сийраклаган, лекин бутунлай йўқолмасдан ингичка ипдек чўзилганича давом этган. Ўнгуллар орасидан ўтиб уйдек харсанг

омонатгина осилган гор остонасида йўқолган. Демак, айиқ уяси шу ерда.

Тоғам милтиқни қўлда ушлаганича ўнгурдан анча берида, тошлар панасида айиқ чиқишини кутди. Кун оғиб осмон бўз ранг тортди. Кечаси тоғда қолиш хавfli. Кеча босқинчини кутган жойига, ташландиқ уй томига қайтди. Балки, енгилроқ яраланган айиқ нафси хакалак отар, қишлоқ оралагиси келар. Бугун ҳаво тоза, юлдузлар чарақларди. Узоқ кутди, тун оғиб ой ёнбошлади.

Айиқ овга чиқмади. Ваҳшийнинг яраси жиддийроққа ўхшарди. Тунда тоғда қолиш хавfli. Ташландиқ иморат томига қайтиб тунади. Тонгга яқин тагин хавfli ўнгурга томон йўл олди.

Кечагидек кутиш. Бетоқатлик. «Кун ботгунча чиқмасанг, инингга бўлсаям кириб бораман!» Тоғам шу фикрни хаёлидан ўтказаетганида гор оғзидаги тош парчалари шитирлади, айиқнинг хумдек ҳайбатли калласи кўринди. Ўшанда тоғамнинг азойи бадани шамолда қолган терак баргидек титраб кетган экан, йўқ, кўрқмаган, ҳаяжондан! Уч кундирки, овора қилаётган махлук, охири, бўй-басти билан намоён бўлганди-да! Ўқ еган елкасининг жунлари ёпишган. Очиқиб қорин ғамида навбатдаги сафарга отланаётгани чоғи.

Айиқ ўнгурдан ўтиб харсанг тепасида тўхтади ва теваракка олазарак боқаётганида қаттиқ гумбирлаш тоғ-тошни ларзага келтирди. Кетма-кет отилган ўқ ваҳшийни ўкиришга ҳам қўймасдан пастга тошдек қулатди...

-Айиқ терисини орқалаб келган Раҳмонбердини кўргани ўшанда узоқлардан одамлар келишган, унамаганига қарамасдан туморликлар бир бош кўчқор ташлаб кетишган, - деганди тоғамнинг кадрдои, оппоқ сочли бошини сарак-сарак қиларкан. Қонхўр айиқ билан яккама-якка олишишга овчилар сарасининггина юраги бетлайди, болам!

## ОПОГОЙИМ БАРМОҒИ НЕГА ТЎМТОҚ

Опогойимни ўйласам, кўзига алмисоқдан қолган, бандиларга ип боғланган кўзойнак таққан, қишин-ёзин сандал тепасидаги тикув машинаси устига энгашган, сочлари оппоқ, овози ипақдек майин кампир ҳаёлимда гавдаланади. Ҳовли супуришлиги ва нон ёпиши ёки овқат пиширишлигини демасангиз, доимо машинаси дастасини айлантиргани-айлантирган эди. Ҳеч-ҳеч опогойимни чок машина-



сиз, чок машинани эса опогойимсиз тасаввур қилолмасдим. Меҳмонга келганимизда онажоним бошқа юмушлар билан банд бўлиб юрганида мен соатлаб опогойим ёнида ўтириб унинг ишини кузатишдан зерикмасдим. Мени энг қизиқтирган нарса чап қўли кўрсаткич бармоғининг ярми йўқлигида бўларди. Охири, бир сафар юрак ютиб:

-Оппоғойи, сиз ҳам урушга борганмисиз? Немислар қўлингизни отиб ташлашганми? - деб сўрашга жураёт қилдим.

Саволимни эшитган опогойим аввалига бир зум ҳайрон бўлгандек менга тикилиб қолди. Кейин табиатига монанд майин жилмайди.

-Топдинг болам, мен ҳам урушганман, - деди бошимни силаб. -Бизнинг вақтимизда немислар йўқ эди. Мен ўрислар билан уришганман.

-Унақа деманг, - дедим жаҳлим чиқиб. -Улар бизникилар-ку ахир. Ўрис аскарлар немисларни отишади. Нима, сиз ёшлигингизда немис бўлганмисиз?

-Йўқ, адашма болам, опогойилар немис бўлишмайди. У маҳаллар ўрис аскарлар бизники эмас эди.

Дарҳақиқат, бош кийимларига қизил юлдузча тақилган, мошранг кийимли, елкасига бешотар осган, соқолллари ўсиб кетган, нигоҳлари ниманидир ахтаргандай ўйнаб турган аскарларнинг бир қисмигина кўк кўз, сариқ сочли бўлса, аксариси қора кўз, патила сочли арманлар эди. Ўша давр тили билан ифодаланганда, «дашноқлар» деб аталувчи сиёсий оқимга мансуб инқилобий арман миллатидан ташкил топган бу ҳарбий гуруҳ раҳм-шафқат нималигини билмайдиган, большевойларга катта пул звазига ёлланган, қонхўр ва безориларидан иборат бўлиб мусулмон ўлкалардаги қонли қилмишлари билан тарихда ёвуз из қолдирган. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатидан чўчиган Ленин худди ана шундай инсонлик қиёфасини ва ахлоқ-одобини йўқотган ёлланма гуруҳларнинг асосий қисмини Туркистон ўлкасига йўллаган эди. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, улар «босмачиларга қарши кураш» ниқоби остида қарияларни, аёлларни, болаларни, ҳатто бешикдаги чақалоқларни ҳам аяшмаган. Бутун-бутун қишлоқларни қонга ботирганлар, кулини кўкка совурганлар, кўз кўриб қулоқ эшитмаган хунрезликлар қилганлар.

Қизил қўшин кийимидаги дашноқ каллакесарлари босқинчилик қилган ўша йили куз барвақт ташриф буюрди. Яшнаб турган

табиат бир кечада тусини ўзгартирди - қўйди. Кўкни кезаётган увада булутлар ҳам дов-дарахтларга сарғимтил ранг сепаетгандек эди. Дашноқларнинг номигаки эркак бўлса, аямасдан қиличдан ўтказаётганлигини ёки ўққа тутаетганлигини эшитган ва улар қишлоққа етиб келмасидан илгариеқ жон сақлаш учун бошқа тенгдошлари қатори аллақачон оғилхонанинг эски походи ортидан кавланган ўрадан чиқмай қўйган бобом эндиликда жунжикканидан тез-тез ўчоқ ёнида «меҳмон» бўлар, қулоғини «динг» қилганича машина дастасини айлантираётган опогойим ёнида ўтириб бешик тебратарди. Гоҳида бошга тушган бу кўргилик ўзига нашъа қилиб юрагини нимадир кемирар, оғилхона бурчагида занг босиб ётган болтани аллақачон цархлаб ҳар эҳтимолга қарши шай қилиб қўйганди.

-Наманган томонларда ёмон ишлар бўпти, - эрталабдан бери машинасини айлантира бериб зериккан опогойим йиғламсираб оғиз очади. -Дашноқлар Жийдакападан ўндан ортиқ қизни олиб кетишибди. Уч-тўрт йигит босқинчиларга қарши чиқишган экан отиб ташлашибди.

Бобом унсиз «уф» тортади. Муштлири қаттиқ қисилади. Бундай совуқ гаплар деярлик ҳар кунни етиб келади. Бу босқинчи малъунларни тартибга чақирадиган одам борми ўзи? Қанийди қурол беришса, қишлоқ йигитлари тўпланишиб ақлини киритиб қўйишмасмиди аблаҳларни!

Шу чоғ бўғиқ ногора товушига ўхшаш от туёқларининг дукирлаши эшитилди. Опогойим ёмон туш кўраётиб уйғонган одамдек сесканди:

-Вой, арманлар!

Бобом ўтирган жойида борлик вужуди қулоққа айланиб тек қотганди. Опогойим бобомни жойидан деярлик судраб тургизди:

-Мени десангиз, қизингизни десангиз, тезроқ яширининг жойингизга!

Опогойим тахмон ортидан оғилхонага хуфёна очилган ичкари уй эшигини ёпди. Барибир кўнгли тинчимасди. Эшикни қайтадан очиб тахмоннинг чап ёнидаги деворга таралган сандални яхшироқ тиклади. Устига латта-путтани ва янги ювилган чақалоқ иштончалрини ташлади. Чоқ машинасини четга сурди. Бекор турмаслик керак, сурп халтачадаги унни супрага ағдарди ва кўмачга уннади.

Эшик тарақлаб очилганидан бешикдаги чақалоқ уйғониб, чинқириб юборди. Кепчиқдек башарасини тук босган ва бешотар

тутган қора кўз, қора соч аскар новча татар нусха шериги билан кйриб келди.

-Эринг қани, маржа? - татар нусхаси остона хатламасданоқ дўқ-пўписа оҳангида сўради.

-Қариндошиникига мардикор ишлагани кетган, - дея жавоб қайтарди опогойим ва орқага сурилиб кетган рўмолини пешонаси устидан кўзларигача тушириб, бешикни силкитиб-силкитиб тебрата бошлади.

Ҳалиги нусха жавоб билан қаноатланмади. Ичкари уй эшигини тепиб очди ва хонани обдан қараб чиққач, опогойимга чақчайган кўзларини наштардек қадади. Милтиги учи билан остонадаги туфланган нос доначаларини кўрсатди.

-Ҳеч қаяққа кетмаган эринг, яширгансан. Айтмасанг, сочингдан сўртотка осамиз!

Аскар супра ёнида турган қумғонни тепди. Қайноқ сув ўчоқ ва супра аралаш ағдарилди. Ўчоқ узра повиллаб буғ кўтарилди. Кул аралашган суюқлик унни қорамтир хамирга айлантирди. Эссиз ун! Қанчалик қийинчилик билан топишганди.

Опогойимнинг томоғи ачишиб, кўзлари намланди. Қўллари қалтиради.

-Яхшиликча айт! Қаерга яширгансан! - татарнусха сўроқни давом эттирди.

-Мардикорликда дедим-ку!

Опогойимнинг жавоби ҳавода совуқ шувиллаган қамчи овозига қўшилиб кетди. Икки ўрим сочи қамчи остида илондек тўлганди. Босқинчиларга булар камдек кўринди. Айтганини амалга ошириш учун опогойимни додлатиб сочларидан остона томонга судрашди.

Шу палла кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Ичкари уйдан шарпадек чиққан бобом кийикдек сакраб қора соч аскарнинг ортидан пичоқ санчди. Татар нусха қилични суғуришга улгурди. Опогойим қарасаки, эри хавф остида. Супрадан ўқлоғни олди-ю, босқинчининг тирсагига туширди. Татар нусха эпчил экан, чап берди. Қилични қайта силтади. Қилич йўлида тўғаноқ бўлган ўқлоғга урилиб опогойимнинг бармоғини «чўрт» узди ва бобомнинг елкасига бориб тегди. Бу сафар ҳам қилич зарбаси ўқлоғ туфайли бўшашган эди. Кўрсаткич бармоғининг ярми чўрт узилиб тушган опогойимнинг жон аччиғида иккинчи бор урган калтаги татар нусханинг бошига қарсиллаб тегди. Босқинчининг гарангсиб қолганидан фойдаланган бобом ўчоқ бошидаги болта билан

елкаси аралаш туширди. Икки босқинчи икки томонда чўзилиб қолишди.

Энди тинч қолмасликларига ақли етган бобом чақалоқ ва опогойимни зргаштириб томорқа ортига йўл олди ва ундан нари қамишли кўл ичкарисига кириб кетишди.

Эр-хотин кун бўйи ботқоқоликлар оралаб кечга қадар йўл юришди ва тун ярмида дарё ортидаги қариндошларникига ўтиб олишди. Кейинчалик дашноқлар оғир яраланган ҳар икки шерикларини олиб кетишган ҳамда уй эгаларини роса ахтариб топишмаган. Охири, опогойим уйларига ўт қўйиб ёндириб кетишган. Ўша чақалоқ онажоним бўлган экан.

### «БОСВОЛДИ» ЧОЛ

Отам Марказий Фарғона массивида янги ташкил этилган хўжаликка ишга ўтгач оиламиз билан кўчиб кетдик. Бошқалар қатори бизга ҳам даладан қовун экиш учун ер ажратиб берилганди. Отамиз эрта-кеч колхоз иши билан банд, тонг саҳарда туриб, биз ухлагач ярим тунда уйга қайтарди. Энди уйлаб қарасам, турмуш кечирish ҳийла мушкул экан ўша кезларда. Отамизнинг ишлаб топгани етмас, томорқа рўзгор тебратишда мадор бўларкан. Шу боисдан эрта баҳор қовун экиб полиз бошига чайла тикардик. Кузга яқин бобом эшагини миниб ёрдамга келар, то қовун хазон бўлмагунча бизни хурсанд қилиб бирга яшарди.

Бир сафар кеч куз кунларида отам шошиб қапамизга кириб келди. Ҳали қиш бошланмаганига қарамасдан телпак ва чакмонларини кийиб олган, кейин оёқда тик турганича бобом билан онамга нималарнидир уқтирди-да, яна ўша ҳолатда жадал юриб чиқиб кетди. Онамнинг айтишича, Намангани сув босиб отам одамларни ёрдамга олиб кетаётган экан.

Ўшанда устига-устак икки кун сидирғасига бўрон қутурган. Шамолнинг кучидан чайламиз худди денгизда пўртанага учраган кемадек бизни ваҳимага солиб у ёқдан-буёққа тинимсиз чайқаларди. Бобом чайла атрофига қўшимча қозиклар қоқиб арғамчи билан боғлаб чиқди.

Иккинчи кунга борганда бўрон, айниқса, кучайди. Чироқ ва олов ёқишнинг иложи йўқ эди. Теварак-атрофдан кўтарилган чангдан осмон бўз тортган, тўлин ой ҳам қалин парда остидаги

шамчироқдек хира кўринарди, қорнимиз очикқан, бироқ қурук ноннинг ўзигина томоқдан ўтмасди.

-Ҳозир мен болаларимни бир меҳмон қилайинки, - дея оқшомга яқин кўзғолиб қолди бобом.

-Шунақа паллада қаёққа борасиз, ота? - деди онам хавотирланиб.

-Қовун топиб чиқаман холос.

Бобом анча хаяллаб кетди. Онам безовталаниб чайладан чиқаётганида салкам ўғирдек келадиган қирқмасифат қовунни қучоқлаб олган бобом кўринди. Эҳтиёткорлик билан уни тилимлади.

-Қани кўзичоқларим, нонга кўшиб ея беринглар! - акам икковимизга қараб имлади.

Қовун шу даражада тотли здики, ўйласам, ҳозир ҳам тилимга ўша ширин таъм келгандек туюлади.

-Қаердан топдингиз бобо? - дедим мазза қиларканман.

-Яшириб қўйгандим. Сен кўзичоғингни ҳар кун ювиб-тараётганинда мен ҳам атайлаб кўздан панада авайлаб парваришладим.

-Ростдан ҳам ширин экан, - деди онам ҳам менинг фикримни маъқуллаб.

-Полизимиздаги бу қовун тури бир тупгина холос.

-Бошқачами бу? - акам ҳам гапга қўшилди.

-«Босволди» чол бор-ку маҳалламизда, - жавоб қайтарди бобом. - Ўшандан олганман уруғини. Бир сафар уйда қовун сўйиб ҳаммамизни меҳмон қилди. Ҳавасим келиб уруғидан беш-олти донасини қоғозга ўраб чўнтагимга солгандим. Ўшандан бир тупи кўкарди.

Кемабоши қишлоғидаги «Босволди» чолни мен ҳам танирдим. Уйи бобомларникидан салгина нарида. Ёлғиз ўғлини урушдан қайтмаган дейишарди. Унинг доғида кампири ҳам ўтиб кетган экан. Ўшандан бери чол ёлғиз яшар, бир парча ерида дастлаб ҳандалак етиштирар, кейин қовун экаркан. Умрида бозорга қовун элтиб сотмаган, пишган ҳосилининг олдини маҳалла болаларини тўплаб едираркан, қолган-қутганини кўни-кўшниларга тарқатиб тугалларкан. Маҳалладагилар эса унинг иссиқ-совуғидан хабар олишар, ярим коса овқат билан битта жўхори нонини аяшмас эканлар.

«Босволди» чолни, ҳатто, менинг бобомдек асл дехқон ҳам «қовун етиштиришнинг пири» деб таърифларди. Узоқ-яқинлардан ҳам ундан навли қовун уруғини сўраб келишар, у ҳеч кимдан бир тийин пул олмас, ҳар қанақа ноёб навларникини ҳам текинга

бериб юборавераркан. Қайсидир йилда бебаҳо босволди навини етиштирибди ва унинг довуғи олисларга тарқалибди-да, шу-шу ҳақиқий оти қолиб қовун навининг номи чолнинг лақабига айланибди.

Менинг ўзим ҳам «Босволди» чолнинг девор сувоқлари кўчиб тушган, томига ёпилган қамишлари осилган уйга кирганман, шириндан-шакар хандалаклари ва қовунларини тотганман. Уйининг ичкараси-ю, ташқарисидаги деворлари, айвон устунлари ва шифтининг қалдирғочлар уя қурган бурчакларигача қовун уруги ёпиштириб ташланган бўларди. Қиш ва баҳор ойларида ҳам қаердандир яшириб қўйилган қовун ҳиди келаётгандек туюла берарди менга.

### **ҚИРҒОҚДАГИ БУТА ШОХИГА ҚАНДАЙ ИЛИНГАНИМ**

Наманганга ҳар галги ташрифимиз ҳаммамиз учун ўзгача қувонч, кайфиятимизга тенгсиз шуқуҳ бағишларди. Бобом кулранг «тулпори»га кечаси ем бериб узоқ сафарга ҳозирлар, онажоним шаҳардаги якка-ю ёлғиз сингисиникига меҳмонга бориш учун тун бўйи қозонда нималарнидир пиширар, тандирда пиёзли ва ошқовоқ сомсалар ёпиларди. Бизларга барвақтроқ уйқуга ётишни буюришарди. У маҳалларда автобус қаёқда дейсиз, ҳар ким Яратган ато этган ўз оёғига ишонарди. Бобом «тулпори»нинг эгарига ортиладиган лўли ҳуржунининг иккала кўзи совға-саломга «лиқ» тўларди.

Йўлга чиқаётганимизда ҳали борлиқдан тун ўз чодрасини йиғиштириб улгурмаган бўларди. Бундай паллада уйқудан туриш жуда мушкул. Кўзни очишга ҳар қанча ҳаракат қилманг, бошингиз узилган қовун палласидек тагин шиқиллаб ёстиққа туша берар, ўзингизни қовоқларингиз узра кўрғошин қуйилгандек ҳис этардингиз. Бобом етакчилигидаги бир неча аёл жам бўлиб шудринг инган серажриқ дала йўллари бўйлаб сафарга чиқардик. Биз ака-ука кулранг «тулпор» устига, иккала кўзи лиқ тўла лўли ҳуржун тепасига ўтириб олардик. Бир қўлида хасса тутган бобом олдинда борар, ортидан, ипга терилгандек бўлиб сафар иштирокчилари қаторлашардилар.

Ҳали хўроз қичқирмасдан йўлга чиқишнинг гашти ўзгача эди. Кун чиқар томондан билинар-билинмас шафақ ўйнар, тўлишган ой Зухро юлдузи билан баҳс бойлашганда узоқ вақт биз билан ёнма-

ён сузарди. Кўк юзини қоплаган юлдузлар чамани бирин-кетин сўниб борар, сўлитўрғайлар чулдураши булбуллар навосига уланиб кетарди.

Шу алфозда юришда азим Норин дарёси яқинидаги Учтепа кишлоғига кира беришда, Учмозор бошланишидаги балиқли булоққа етиб келганимиздагина бобом пича ҳордиқ чиқаришга рухсат берарди. Бу пайтга келиб қуёш ўз ётоғидан кўтарилиб қушлардан тортиб жамики жонзот жонланарди. Якка-ю ягона сингисини соғинган, бутун вужуди жигар гўшаси дийдорини кўриш иштиёқи билан ёнаётган онажонимнинг тун бўйи ухламай пиширган сомса-ю патирларидан пича тамадди қилиб тагин сафарни давом эттирамиз.

Балиқли булоқ хосияти хусусида эшитганларим ҳамон эсимда. Энг сирли жиҳати шундаки, одатда, турли катталиқдаги балиқлар чумолидек гўжгон ўйнайдиган ва салкам ҳовуздек келадиган булоқда ҳафтанинг жума кунлари лоақал номига бўлса-да, балиқ зоти учрамасди. Яна бир ажабтовур томони, Чортоқ туманининг Балиқли кўл кишлоғидаги булоқда ҳам худди шу куни юқоридагидек ҳолатни кузатиш мумкин эди. Айтишларича, худди ана шу кунда бир-бировидан қирқ-эллик чақирим узоқликдаги ҳар икки булоқ балиқлари ер остининг қайсидир бурчида учрашар эканлар...

Бир гал бобом булоқ бўйида ҳордиқ чиқаришимизга рухсат этмади. Кимдандир холамнинг тоби қочганлигини эшитган экан.

-Тезроқ борақолайлик, Жамилани кўриб кўнглимиз тинчисин, - деди.

Ўшанда бобомларнинг қўшниси сумалак пиширган, биз ҳам болаларга қўшилиб ярим тунгача ўйнаганмиз, тўйиб ухламагандик. Шу боисдан кўзларимиз кум сепилгандек очиларди. Эшакнинг бир маромда йўрғалиши ака-ука икковимизни ҳам баттар уйқумизни келтирар, йўл-йўлакай кўраётганларимиз худди тушдагидек гоҳ қалқиб чиқар, гоҳ қаёққадир йўқолиб кетарди. Қизи бетоблигидан безовталанган бобом шошилганми, хуллас, онамлар гуруҳидан анча илгарилаб кетганлигимиз ёдимда. Бир маҳал онам:

-Кичкинам қани, акасининг ёлғиз ўзи кетяпти-ку згарди, - дея чинқирибди. Шундан кейин тўполон бошланибди. Ҳар ким ҳар қаёққа чопқиллабди. Қарасалар, қутуриб оқаётган дарё сувидан бир қулочгина тепада, кекса дўлана шохларига белбоғимдан илиниб пишиллаганча уйқуни ураётган эканман... Бобомнинг иссиқ қучоғида, астари сариқ чакмонига ўралганимиздагина кўзимни

очдим. Наманганга етганимизда онамнинг холамга зшакдан қандай қилиб сирғалиб тушиб қолганимни гапирганини эшитганман. Буни олдинда не хаёллар билан бораётган бобом ҳам, эгарда ухлаб кетаётган акам ҳам пайқамай қолишибди. Онажоним:

-Боламни худо сақлади, йўқса аллақачон балиқларга ем бўлиб кетарди, - деганди йиғламсираб холамга.

## ДАРАХТ УСТИДАГИ ТЕАТР

Онамнинг синглиси Жамила холамлар Намангандан уй олиб кўчиб боришганларидан сўнг бир оёғимиз шу ерда бўлиб қолди. Биз йилига икки бор - ёз ва қиш ойларида меҳмонга қатнасақ-да, бобом билан бувим тез-тез келиб қизлари ва набиралари ҳолидан хабар олиб туришарди. Холамнинг ўғиллари йўқлигидан поччамиз мени жуда яхши кўрар, ишдан бўш вақтларида қўлимдан кўчага етаклаб чиқиб музқаймоғу, бошқа ширинликларга тўйдирарди.

Поччам новча, кўмирдек қоп-қора жингалак соқолли, дўрриллаган овозда гапирадиган киши эди. Биргаликда бозор айланиб юриб адашиб қолганда ҳам топиб олиш осон, баландроқ жойдан атрофга назар солсангиз, шолিপояда ўсган қамиш сингари новча бўйи, бу ҳам етмагандек чўққили қалпоғи дарров назарингизга тушарди. Бора-бора поччамиз тунги сменада ишлаган маҳалларда холам ёлғизланиб қолмаслиги учун мени олиб кетадиган бўлишди. Холамлар яшайдиган маҳалла болалари билан дарров иноқлашиб кетдим. Улар орасидан Абдулла, Неъмат, Мирзалар билан дўст тутиндим. Бир сафар Мирза шаҳар боғидаги ёзги очик театрдаги «Тоҳир-Зухра» томошаси кўрсатилаётганини айтди ва оқшом биргаликда боришга таклиф қилди. Пулдан камчилик йўқ. Уйдан олиб келганимни сарфлаб улгурмагандим, бунинг устига поччам ҳам, уйларида сигир сақлаб қатиқ-сутини сотиб турганлигидан қўлидан пул узилмайдиган холам ҳам вақти-вақти билан пул бериш туришарди. Мирза ва Абдулла учқовимиз аввалига музқаймоққа роса тўйдик, мен энди патта олсак керак, деб ўйласам. Мирза дарахт устига чиқиб театрни текинга кўришни таклиф қилди.

Томошанинг бу шаклининг ҳам ўзига хос ҳузурбахш жиҳатлари бўларкан. Саҳна-ю, унинг ортидаги воқеалар қолиб томошабинлар ҳам гўё кафтингизда тургандек кўринаркан. Биз сингари ёзги театр атрофидаги дарахтларга «кўниб» олган



«қанотсиз қушлар» анчагина эди. Улардан бирининг нотўғри ҳаракати «маданий ҳордиқ чиқаришимиз»нинг белига тепди. Икки шумтака ёзги томошагоҳнинг ичкарисига осилган дарахт шохини талашиб ўриндикдагилар устига қулаб тушишса бўладими! Саҳна қолиб бу ёқдаги «томоша»ни кўринг! Бир зумда атрофни «қий-чув», «дод-вой» овозлари тутди. Қаёқдандир мелисалар етиб келишди. Қарасак, иш чапласига айланадиган, бир неча дарахтдаги «ёш томошабин»ларни тушириб олишиб қаторлаштириб териб қўйишди. Яхшики, биз эпчиллик қилиб қолдик. Дарахтнинг қуйроқ шохларига ўрмалаб тушиб ўзимизни тўпдек гуп-гуп пастга ташладик-да, оёғимизни қўлга олиб кўча томонга ура қочдик. Мелисалардан бири қувламоқчи ҳам бўлди. Аммо биз аллақачон Тўрақўрғон кўчасининг бурчагига етиб улгурган эдик. Шу алфозда маҳалламизга буриладиган чойхонагача ит қувлаган мушукдай чопдик. Ўпкамиз оғзимизга тиқилиб тўхтатганимизда осмондаги ой ҳам аллақачон қуюқ булутлар ортига ўтиб бўлган, борлиқни кўмирдек қоп-қора тун зулмати қоплаб улгурган эди.

Икки бетига иморатлар қурилаётган янги кўча бўйлаб келарканмиз, кўркүвдан юрагимиз қинидан чиқиб кетгудек гупиллар, гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан ҳуриб қоладиган итлар овози бизни баттар ваҳимага солар, ҳатто, кўққисдан қоронғилик қўйнидан эшитиладиган мушук миёвлаши ҳам тепа сочимизни тикка қиларди. Хуллас, амаллаб уйларимизга етиб келгач қолган жазони уйдагилардан олдик. Чакки юрган, дакки ейди, деб шуни айтишсалар керак-да.

## ТЎЛОВ

Отамнинг қўшни қишлоқда «Тўшак дўппи» деган мулла ошнаси бўларди. Унинг ҳақиқий исми-шарифи қанақа бўлганлигини ҳеч эшитмаганман. Чамаси, доимо бошига ўзи тикилиб олган оқ дўппини кийиб юрганлиги учун шундай лақаб исмига айланиб кетгандир. Қачон бўлмасин, оқ дўпписи устига қордек саллани кўндирганича эшагини етаклаб дарвозамиздан кириб келардилар. Айтишларича, «тўшак дўппи» домла кўп болалик оила сарбони бўлиб қовоқларига ип боғлаган кўз ойнагини тақиб эртадан қоронғи тушгунча тикув машинаси дастагини айлантирар, кийим-бош тикиш билан машғул эдилар. Отам ҳам колхоз ишида ҳар қанча бандаликларига қарамасдан ошналари ташрифи кунлари кечга яқин бирон баҳона топиб уйга келар, икковлон томорқамиз

этагидан эски иморатимиз айвонида ўтириб олиб араб алифбосида битилган эски, муқовалари титилган китобларни варақлашар, навбатма-навбат ўқишарди. Сўраб келганларга отамиз уйдаликларини сездирмасдик.

Баҳор бошларида ҳунук воқеа юз берди. Томорқамизни ҳайдагани кирган трактор дарвозамизга туташ кўприкни тешиб ўтган экан. Домланинг кўзлари сал хирароқ эмасми, дарвоза очиклигини кўриб тушовни шу ёққа бурганларида эшакнинг орқа оёғи худди тешикка тўғри келмайдими! Ҳам домла йиқилган, ҳам жониворнинг орқа оёғи синибди. Отам ҳўп ҳижолат тортдилар. Онам домланинг кийим-бошларини қоқиб, тозалаб берганларига қарамасдан кўнгиллари хира эди.

Оқшом тушиши олдидан чойнак кўтариб бораётсам отам акамни кўчадан толиб келишликни буюрдилар. Шошиб кириб келган акамни четга бошлаб чиқиб шундай деганларини эшитдим:

-Соли қассобга учрайсан, отам жўнатди, деб айтасан. Сиз харидор бўлиб юрган қора кўчқорни сотарканмиз. Ҳозир ўшанинг устидан минг сўм бериб тураркансиз, дейсан. Пулни олгач, тез етиб кел!

Одатдагидек оқшомга яқин кўзғолган «Тўшак дўппи»га отам идорага борганида минадиган, қишлоқда якка-ю ягона ҳисобланган «МИФА» велосипедини тутқазди.

-Эшагингизни эртага болалар ташлаб велосипедни қайтариб олиб келишади. Сиз чўлоқ жонивор билан уйингизга етиб боргунингизча қоронғу тушиб қолади. Кейин акам газетга ўраб келтирган пулни ошнасининг чўнтагига мажбурлаб тикдилар. - Бозор куни бошқасини сотиб оласиз! Меҳмон ҳарчанд унамасди. Отам зўрлаб кўндиришга уриндилар.

-Жон қори ака (отам ошнасига «қора ака» деб, «Тўшак дўппи» эса отамни «мулла ака» деб мурожаат қилишарди), мени деб, менинг илтимосимни бажараман, деб шу иш бўлди. Агар пулни олмасангиз гуноҳи азим остида қоламан!

Хуллас, пулни зўрлаб эса-да меҳмонни олишга мажбур этдилар. Кечкурун онамга шундай деганларини эшитдик:

-«Тўшак дўппи» мард одам. Ҳеч унамаса-я? Минг қилсаям бизни деб эшагидан айрилди. Кўнглимда ҳижиллик қоларди. Тўлов гуноҳи қарздан оғир, дейишади. Юрагимдан тош кўчгандай бўлди-я...

## «БЕМАЗА» НИШОЛДА

Отамнинг хўжалик раҳбари бўла туриб яширинча намоз ўқиб, бунинг устига дин ҳомийлари билан алоқа қилиб юрганликларини пайқаб қолиб ишдан бўшатишди. Энди кун бўйи уйимизда бўлар, олдингидан ҳам барвақт уйқудан туриб томорқамизда куйманардилар. Ҳар якшанба куни у ёки бу сабаб билан мени етаклаб бозорга борар, сабзидан тортиб пиёзгача сотиб олиб келтирардик. Отамнинг эртадан кечгача томорқадан чиқмаётганликларини кўриб қувонган онам:

-Минг қатла шукур, энди ҳар ҳафтада бозорга югуришдан қутуладиган бўлдинглар. Энди ҳаммаси ўзимиздан чиқади, - деб қўярдилар.

Аслида менга ҳафтада бозорга қатнашлигимиз ёқарди. Нимага десангиз, отам энг олдинига мени нишолдага тўйдирарди. Етиб келишимиз билан дарвоза олдидаги бақироқ новвойдан оппоқ, сўлқиллаган нон сотиб олардик-да, ота-бола кўпириб турган қордек оппоқ нишолдага ботириб туширардик. Сўнг бозор айланардик.

Бир гал борганимизда эса негадир отам одатларини унутди. Қопчиқларини қўлтиқлаганларича нишолдахонага тескари ўгирилиб ўтиб кетдилар. Қопчиқни тўлғазиб чиқаётганимизда нишолдахонага қараб-қараб кўяётганимни пайқаб жилмайдилар.

-Егинг келяптими жуда? - Кейин новвойдан бир дона нон ва бир пиёлагина нишолди сотиб олиб олдимга қўйдилар.

-Роса, мазза, - дедим қошиқни тилимга теккизгач. Кейин отамни ҳам ейишга ундадим!

-Қани аввалига татиб кўрайлик-чи, ширин бўлса яна оламин.

Отам нондан тирноқдеккинасини нишолдага ботириб оғизларига олиб бордилар. Сўнг пешоналарини тириштирдилар:

-Ажабо, бугунгиси нордонроқ бўлганими?

-Бекорларни айтибсиз, - дедим жаҳлим чиқиб. -Ҳеч маҳал нишолдаям шўр бўладими. Алдаманг мени!

-Менга шундай туюляпти. Бугун нишолда егим келмаётганга ўхшайди. Сен мазза қилиб ея бер!

Кейинроқ, ақлим кирганидагина отамнинг нима учун ўшанда нишолда ёмаганлиги боисини билдим. Қаранг, ўшанда отам бечоранинг пули тугаб қолган экан.

## УРУШ БОЛАЛАРИ

Хўжаназар амакимнинг якка-ю-ёлғиз қизи Ҳафиза опам бувимиз билан бирга яшар, катталарнинг айтишларича, кампир учун «ҳам кўз, ҳам қўл, ҳам оёқ» эди. Қишлоққа ҳар келганимизда акамдан икки ёш кичик, мендан шунча ёш катта Ҳафиза опам ҳовли супираётган, сув сепаётган, ё бўлмасам уй йиғиштираётган, челақда ариқдан сув ташиётган буларди. Ҳовлимиз катта ва кенггина бўлиб уйимиз ҳам бошқаларникига қараганда ҳайбатлироқ кўринарди. Хўжаназар амаким жуда серҳаракат, чала уста бўлган экан. Ака-ука икковлари учун уч йил кеча-кундуз уриниб иморат тиклабди. Укасининг шу даражадаги интилишини кўрган отам пардозлаш учун пул сарфлабди. Тожикистондан келган устани ёллаб гуллар билан безатибди.

Уруш оқибатида юзага келган қийинчилик, отамнинг муттасил бандлигидан, қолаверса, бошқа жойларда ишлаганидан уйимиз ҳам, ҳовлимиз ҳам қаровсиз ҳолатга тушиб қолганди. Қизиқ, ўша йилларда негадир мусича кўпайиб кетганди. Қачон келсак, гуриллаб учишгани - учишган эди. Акам кўчага, тенгдошлари ёнига чиқиб кетганлигидан кўпинча Ҳафиза опам қўлимдан тутиб дугоналари ёнига етаклар, қизларининг «тўптош» ёки бошқа ўйинларини томоша қилардим. Қизлардан ҳам кўпларининг оталари Хўжаназар амаким сингари ўрушдан қайтмаган, кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Гоҳо, опамнинг қўллари ўйинда-ю, ўзи эса мунгли, юрагингизни гам-андуҳга тўлдирувчи қўшиқлар куйлаганини кўп бор эшитганман. Унинг, айниқса, отасига бағишланган бир қўшиғи қулогимда қолган.

*Бозорга борсам хандалак,  
Урушга борсам замбарак.  
Менинг отам армияда,  
Бошида дўпписи чамбарак.*

Шундоққина том бўғотида мусича кукулайди. Вассажуфт усулида ишланган уйимиз айвони-ю ичкарасига қалдирғочлар ин қуриб ташлашган. Уларнинг ичкарига бемалол кириб-чиқишлиги, болаларини боқишлиги учун деразалар доимо очиқ туради. Она-бола қалдирғочларнинг қўшилиб вижирлаши мусичалар ку-кулашига жўр бўлади. Қизларнинг қўллари ўйинда-ю, оғизларида мунгли қўшиқ. Бири акасини, иккинчиси дадасини, яна бошқаси

бобосини урушдан омон-эсон қайтишини тилайди. Баъзан гоҳ кулиб, гоҳ кўзда ёш билан бир-бировларига тушларида кўрганларини ҳикоя қилишади.

Шу вақт ҳовлининг бирон-бир бурчагидан ёғоч ёки калтак синиғидан «милтиқ» ёки «автомат» ясаб қўлига ушлаб олган, газета бўлақларидан «пилотка» ясаб кийган ўғил болаларнинг хонаки «жанглари» кузатиш мумкин бўларди. Гоҳ «пақиллаб» отилган «милтиқ» товуши, гоҳ эса «автомат» нинг тариллаши кулоққа чалинарди. Бир куни бувимни кўришга кирган ён кўшнимиз, фронтдан бир оёғидан айрилиб қайтган Собир буванинг бу ҳолатни кўриб:

-Эҳ уруш болалари-я, уруш болалари! Бу балои азимни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар! - дея бош чайқанига кўзим тушган.

Уша йилларни эсласам, Ҳафиза опамнинг мунгли кўшиғи кулоқларим остида ҳамон жаранглаётгандек туюлади:

*Бозорга борсам хандалак,  
Урушга борсам замбарак.  
Менинг отам армияда,  
Бошида дўпписи чамбарак.*

Ҳа, Собир бува айтганлари рост бўлсин! Урушнинг абадул-абад номи ўчсин. Ҳозирда ёши олтмишдан ошиб етмишга қараб кетаётган уруш болаларининг кўрган-кечирган азоб-уқубатлари авлодимизнинг сўнгги ғам-андуҳи сифатида қолаётганлиги ҳақиқатга айлансин!

## ЖИЙДА НОН

Ҳали мактабга қатнамасдим. Ҳар ўн беш-йигирма кунда колхоз қоравулининг қирчанги отида ака-ука қишлоғимизга, отамизнинг онаси -бувимизни кўргани ва ҳолидан хабар олиб келишга одатландик. Отамизнинг ишлари гоаят кўплигидан, эрта-ю-кеч хўжалик юмушлари билан банд бўлар, бу вазифани бизга топшириб қўйган, ўзи вилоятда бирор мажлисга чақиришсагина онасидан хабар олиб ўтарди.

Асли бувимизни ҳам ўзимиз билан кўчириб кетишга кўп ундаганмиз, отам ҳам роса ялиниб-ёлворган, ҳовлимизда вақтинчалик яшаб туришга одам ҳам топган, аммо бувим:

«-Йўқ-йўқ, мен боролмайман. Хўжаназарим армиядан қайтиб ҳовлига кириб келса-ю, ҳувиллаб турса, менинг ўрнимга бегона одам қаршиласа, «энам ўлиб кетган экан», деб тагин юраги ёрилиб кетмасин, - дея ҳеч унамаган.

Ҳатто отам :

-Қишлоқдагилар нима дейишади. Амал кетидан қувиб кекса онасини ташлаб юрибди, деб таъна қилишмайдим, - деб ялинганида ҳам Хўжаназар амакимнинг яқинда қайтиб қолиши мумкинлигини баҳона қилган.

Бувимизнинг бу гапларига дош бера олмаган отам негадир томорқа томонга чиқиб кетган - ўшанда отамнинг сал ўтмай негадир кўзлари қизариб қайтганлигини пайқаганман.

Йўл-йўлакай имиллаганича келаётган қирчанғимизни ҳеч тезлата олмасдик. Гоҳо, акам кечқурунлари отхонага келтириб, қайтариб қоровулга топшираркан:

-Юганини бурмасангиз зовурга ҳам кетаверади. Бирон кун йўлда юриб кетаётганда ўлиб қолмасайди, деб қўрқаман, - деб кўярди.

Қишлоқда бувимиз бизни айланиб-ўргилиб кутиб олар, худди катталардек ўтиришимиз учун янги тўшаклар ёзар, дастурхон солиб эски ёнғоқ сандиғини очиб мева-чевалар кўярди. Бувимиз бирон нарсага алаҳсидими, акам ташқарида ҳуштак чалиб чақираётган тенгдошлари тарафга отилар, шу кўйи то кимдир топиб келмагунча қорасини кўрсатмасди. Бир гал борганимизда бувимни жавратмасдан ўзи тезгина кўчадан қайтди, ёнида икки-уч қафар бола.

-Сенгаям худо ақл берганлиги рост бўлсин, - деди бувим инқиллаб ўрнидан тураркан ва болаларнинг ҳар бири билан елкасига уриб саломлашди.

Кейин болалар олдига кечқурундан қолган хўрдадан ярим косадан кўйиб қўйди. Бугдой уни билан аралаштириб ёпилган пиёзли жўхори нонни ушатди:

-Олинглар, қоринларингни тўйгазинглар!

Вақт тушликка яқинлашиб ҳаммамиз очиққан эканмиз. Сал ўтмай, дастурхон бўшаб қолди. Сандиқдан олинган жийда билан туршак солинган ликоблар ҳам ҳувиллади. Бувим инқиллаганича ўрнидан кўзғолиб қаерларнидир титкилаб бир донадан тошдек

қотган қуртоб улашди. Тушлик ҳам тугаётганини сезган акамнинг ошнаси Мансур қўнидан эски, ямоқ солинган халта чиқариб бувимга қараб деди:

-Опам сизга салом айтди, - Мансур ҳам биз сингари онасини «опа» деб чақирарди. Кейин мақсадга кўчди. -Бир коса бугдой уни бериб юбораркансиз, бувимнинг тоби йўк, атала қилиб берарканмиз. Холбуви момонинг бугдой уни бор, ўғли раис, уникида бўлади, деди.

Мансурнинг шароити оғирлигини биламан. Отаси урушдан қайтмаган. Онаси кун бўйи далада. Колхоздаги иш ҳақиға ҳафта-сига икки-уч косадан жўхори ёки макка дони тарқатишади. Мансурнинг бувиси эса бугдой унининг аталасини ичкиси келаётганмиш.

Бувим қўлидан ҳеч қўймайдиган кенгина оқ лунгиси билан сал нарсага ёш қуйиладиган кўзларини артиб олди-да, ўрнидан турди. Ошхона бурчагидаги ҳамиша тепаси ўроғлик турадиган халтачасидан уч коса ун олиб Мансур узатган халтачани тўлдирди. Бошқа бир халта топиб жийда билан туршак солди. Икки донанонни қозоғга ўради-да, акамнинг қўлтиғига қистирди.

-Бор, ўртоғининг уйига ташлашиб келгин!

Ҳаммамиз ўрнимиздан тураётганимизда бошқа болаларнинг ҳам чўнтақларини жийдага тўлғазди. Сўнг хурсанд бўлган болаларга қараб деди:

-Қани, қўзичоқларим, Хўжаназар акам армиядан омон-эсон қайтиб келсин, деб дуо қилинглар!

-Болалар қўл очиб бувим айтганларини такрорлагач, айвонга чиқаётганимизда тагин Мансурга тайинлади.

-Ўзим ҳам эрта-индин ўтиб қоламан уларингга. Бувингга дуо деб қўйгин.

## ХАРСАНГДАН-ДА ОҒИР ВАЗИФА

Отам чўл хўжалигида ишлаётган маҳаллар эди. Уруш тугаганига икки йил фурсат ўтган эса-да, унинг захри, ҳар қадамда билинар, одамларнинг қорни ҳали нонга тўйган эмасди. Одатда ҳуфтанда идорадан қайтадиган отам кеч куз кунларининг бирида биз ухламасимиздан эшикдан кириб келди. Оила аъзоларимиз жаъм бўлиб овқатландик. Отам ёстикқа ёнбошлаганича чайни «майда»ларкан онамга қараб деди:

-Иссиқроқ кийимларни ҳозирлаб қўй. Барвақт туриб Қизил-қияга жўнаймиз. Тегирмонтош анқонинг уругига айланиб кетди. «Бошбух» ҳам, хўжалик мудириям эпллмай келишди. Тегирмонни ишга туширмасак, одамлар узоққа қатнай бериб қийналиб қолишди.

Отамнинг ҳисобича бориш-келиш ва бошқа юмушлар билан икки-уч кунда қайтишаркан. Райондагилар рухсат беришибди.

Уйғонганимда кун аллақачон ёйилиб бўлган, кўчадан далага ҳайдалаётган мол-қўйларнинг тинимсиз маърашлари эшитиларди.

-Аканг аллақачон мактабига етиб борди. Сен ҳам тезроқ чойингни ичгин-да молларингни ҳайда, - онам шундай доркан, эрқалатиб бошимни силади.

-Отам қани, кетдиларми? - дедим кечаги гаплари эсимга тушиб.

Онам қаерларнидир узоқларни кўрсатиб имо қилдилар:

-Худо хоҳласа ярим йўлни босиб қўйдилар.

Тунда айтган буюртмаларни хотирладим.

-Менга электр чироқ келтирадимми? Велосипед-чи?

-Албатта-да. Лекин унғача молларни яхшилаб боқиб туришлигинг керак. Онам нонли халтанг елкамга осди. Сигир билан бузоқни қозикдан бўшатиб кўчага ҳайдадим.

Уч кун қолиб, тўрт кун ўтса ҳамки отамдан дарак бўлмасди. Бешинчи кунга борганда хавотирланишга тушдик. Онам идорага кириб бухгалтерга учраб йиғлаб келибди. Онамнинг ортидан чиқиб новча, юзлари чўтирдан келган, ўнг оёғи оқсаброқ юрадиган бош бухгалтер амакининг урушдан ўлжа қилиб олиб келган мотоциклини кавлаштираётлигини кўрдим. У ўша куниёқ отамни ахтариб йўлга тушибди. Бир кун ўтгач, бошлари боғланган, чап оёғи тахтакачга солинган отам мотоцикл қайиғида ўтириб келди. Бошқалар кўмағида бир оёқлаб уйга кириб келган отам кечқурун тўшақда ёнбошлаб ётаркан шундай деганди:

-Тегирмон тошни топдик. Машинага юклаб кечга яқин йўлга тушдик. Эрталаб ёққан қор тоғ ёнбағридаги йўлни яхлатиб қўйган экан. Машина сирганиб кетди. Қарасам, чапга қараб ағанаяпти. Ўзингни пастга ташла, дедимда эшиқни очиб шофёрдан олдин ерга ирғидим. Машина иккинчи бор ағдарилганида шофёр тушиб қолган экан. Кузовдан гурсиллаб тегирмон тош ағдарилганини ва шундоқ мен томонга қараб юмалаб қалаётганини кўрдим. Барибир, ўзимни ҳар қанча эҳтиётлашга уринмайин, чап сонимга тегиб ўтди. Ундан қочаман, деб мувозанатимни йўқотдим ва



ортидан мен ҳам тўпдек юмаладим. -Отам ҳориган бемор одамга хос чуқур нафас олди-да давом этди. -Қарангки, сизларнинг иқболларинггами, ўзимнинг умрим борми, қўлимга дўла танаси кириб қолди. Агар дўланадан ўтсам тубсиз жарликка тўғри келарканман, эрталаб кўрдим. Шунча уринаман, тепага чиқолмайман. Бир пайт сизлар кўз олдимга келдингизлар. Болаларимни етим қўйма, деб Яратгандан мадад тиладим ва бор кучим билан шундай чирандимки, қарасам, соғ қолган ўнг оёғим билан дўлана танасини миниб қолибман. Оталик бурчи пастликка юмалаб кетган тегирмон тошидан ҳам вазмин бўларкан...

Эртасига шофёр жасадини топиб келтиришди.

## ПАХТА ҚУРБОНИ

Тонг сахар туриб дарс тайёрламоқчи бўлдик. Алла маҳалгача колхоз ҳосилотининг тўйида ўйнадик. Отамнинг айтишича, биринчи марта маҳаллада умумий дошқозонда палов пиширилди. Тўғри, ҳаммага ҳам бирдек ош етмади. Болаларга тоғорани яримлатиб солиб беришганди, етган ҳовучини тўлдириб олди, етмаганга беш-олти дона гурунч тегди-тегмади. Муҳими, ярим кечагача мириқиб ўйнадик. Онамга берган ваъдамиз бўйича ака-ука барвақт уйғониб вазифа бажаришга ўтиргандикки, шағал юклаган машина ўтаётгандек тарақ-турук, шарақ-шурук товуши эшитилиб қолди.

-Абдусалом жинни «сафар»ини бошлади, - деди акам бизга ҳалақит берганидан ранжиб.

-Унақа демагин болам, уям одам, худонинг битта эрка бандаси, ўзига қолса шунақа бўлайин, деганмиди, - урушиб берди онам.

Абдусалом акани темир жинниси дейишади. Ҳеч ким билан иши йўқ, бировни ранжитмайди, сўкинмайди, болаларни урмайди. Гапирмайди ҳам, савол берсангиз жавоб ҳам қайтармайди. Беш-олтита темир бўлақларини симга боғлаб олиб судрагани- судраган.

Бир сафар отам кеча тўй ўтказган Барот ҳосилот билан тумандаги мажлисдан қайтишаркан, бизнинг уйда тўхташди. Ўша куни оқшомдаям Абдусалом ака темир-терсагини тарақлатиб ўтиб қолди.

Ўппа-тузук йигит эди-я, - бошини сараклатди Барот ака. - Биз тенгдош бўлганмиз.

Кейин меҳмон Абдусалом аканинг қай тахлит шу ҳолатга тушганини ҳикоя қилиб берди.

...Қишлоқда Абдусалом акадан кўра меҳнаткашроқ, камсуқум одам топилмасди. Агар ишлаш орқасидан ҳаёти яхшиланадиган бўлса, Абдусалом акага алла қачон бахт кулиб боқиши керак эди. Лекин битта нони иккита бўлмас, қўл учидagina рўзгор тебратар, бозордан янги дўппи олиб кийганини ҳеч ким кўрмаганди. Ўсмирлиги ҳам ҳаётнинг оғир заҳматларига тўғри келганлиги учунми, ўша маҳалнинг борлиқ азоб-уқубатлари кўринишида ўз аксини топгандек эди. Чиллакидек бармоқлари, юпка кафти қадоқлар маржонига тўла. Офтоб қорайтирган юзининг яноқ суяклари ғуррадек бўртиб чиққан. Пахта далаларига кўринмас иллар билан боғлаб қўйилгандек кун бўйи згатлар орасидан чиқмасди. Беш фарзандини боқиш учун ғўза чопиғи бошланганидан шийпонда пашшаларга ем бўлиб тунашга тушар, ғўзапоя йиғиштирилдими, ундан кейингина яғири чиққан кўрпачагини орқалаб уйга қайтарди. Унинг учун бригадирдан кўра донишманд, бригадирдан лавозими юқорироқ одам йўқдек эди. Рўзгорига учма-уч етаётган маошини гўё бригадир ўз чўнтагидан тўлаётгандек тушунарди. Ортидан ҳам сизлаб гапирар, соясига кўрпача тушарди. Қўйдек юввош, мусичадек беозор Абдусалом акани бригадир зшак мисол елкасига миниб олганди. Энг оғир юмушларни ҳам киприк қоқмай бажаришини билиб дуч келган ишни буюрарди. Самолёт дори сепадими, «байроқдор» Абдусалом ака. Уват четидаги ажриқларга гербицид сепиш лозим бўлса, бунга ҳам балоғардон Абдусалом ака бўларди.

Бир сафар зовурдан насосда сув чиқараётганда Абдусалом акани бригадир йўқлаётганини айтишди. Борса, згат четидаги марвартак тут тагида ҳосилот билан мириқиб маишат қилишаётган экан. Абдусалом ака «катталарга» қўлини кўксига қўйиб салом берди. Салкам косадек келадиган пиёлада «оқ мусаллас» симираётган бригадир бўш қўли билан сал наридаги супани кўрсатди.

-Келдингми, хожим, ўтир, -- деди ясама меҳрибончилик билан. Калака қилибми, эркалатибми, Абдусалом акани шундай лақаб билан чақирарди. - Аввал косадагини шимириб юбор. Хўроз йиғит бўласан!

-Қўйинг-е, хўжайин, ҳазиллашманг, - Абдусалом ака чаённи кўргандек чўчиб нари сурилди.

Абдусалом аканинг болаларча қилиғидан роҳатланган улфатлар мириқиб кулишди.

-Юрагинг чиқмасин, ҳазиллашдик. Сенга етмайдиам. - Бригадир кепчикдек бетида милтираётган сичқонники сингари митти кўзларини баттар қисиб куларди. Пиёлани ёстиққа ёнбошлаган ҳосилотга узатди. Ичкилик таъсирида тер томчилари ялтираган қипқизил юз-кўзини артди. Жиддийлашди. -Сенга вазний топширик бор. Ҳосилот бобо икковимиз сенинг номзодинг устида тўхтадик.

Абдусалом ака олдинга қўрқиб кетди. «Важний» дегани нима бало экан? Бу бригадир тушмагур яна бирон ёмонликни бошламаётган бўлмасин. Ҳадиксираб «хўжайини»нинг оғзига тикилди.

-Хожим, сен ақлли йигитсан, - бригадирнинг қувлик яширинган кепчикдек юзлари тек қотди. -Ғўзани ўргимчаккана босганлигини бошқалар билмаса ҳам сен пайқагандирсан. Шу ҳолда тура берса, бир ҳафтадаёқ еб битиради. Туманда дори қолмабди. Яхшики, бахтимизга ҳосилот бобонг бор экан. Вилоятдаги яқин ошналари орқали тўғрилади. Йигирма килога ҳам бормайди. Автомашина овора қилишга арзимабди. Қолаверса, бошқалар ҳидини сезишса, ярмини бўлишишга тўғри келади. Шунини келтиришни ёлғиз сенга ишонаймиз.

-Нимада бораман? Колхоз отини сўраб берасизми?

-Жиннимисан? Қалланг ишлайдими ҳеч! Вилоят марказига отни қўйишармиди. Кета берасан-да йўловчи машинада. Биттасига ўтирасанда. Вассалом!

-Абдусалом маза қиларкан-да шаҳарни томоша қилиб, - ҳосилот сохта ҳавас билан тилини такиллатди.

-Шуни айтинг, - бригадир ҳам ҳосилотнинг масҳарабозлигига қўшилди. - Шаҳардаги калтасоч «маржа»ларни кўриб бир ёзилиб келсин-да хожим.

Бригадир ва ҳосилот бараварига қаҳ-қаҳлашди.

Абдусалом ака нимадир илинжида «катталар»га тикилганди. Ахир бригадир асосий масаладан гап очмаётганди-да. Шаҳарга қандай боради? Ниҳоят юрак ютиб сўради.

-Кечаги чиққан ойликка ун олиб қўйгандим.

-Шундай демайсанми, хожим. Ҳеч сенга пул юқмас экан-да. Босавермагин сандиққа. Сичқон ҳидини яхши кўради-я! Мана ол, ойлигини чиққанда узарсан!

Тонг саҳарда битта бўш қопни қўлтигига қистирган Абдусалом ака туманга сут элтаётган автомашинага чиқди. У ердан автобусга ўтирди. Билмаганга кўча кўп, деганларидек тушгача «Сельхозхимия» идорасини ахтариб топди. Қишлоқда номи

вахимали туюлган бу ташкилотни шаҳарга сигдиришмаган кўринади. Кимдан қаердалигини сўраса, елка қисади. Охийри, ўзига ўхшаш эски чопон одам тушинтирди. Вилоят марказидан чиқа беришда, адирлик биқинида, гадойтопмас ерда жойлашган экан. Ҳосилот қўлига тутқазган «қоғоз»ни у ердагиларга кўрсатганида таптақир бошида бирон тук изи сезилмайдиган кўзойнакли кишига рўпара қилишди.

-Қани машинанг? - ҳалиги тақирбош дўқ ургандек сўради.

-Автобусда келганман.

Тақирбош Абдусалом аканинг фаросати борми ўзи ёки йўқми дегандек бироз қараб турди-да, охири менга нима дегандек қўл силтади.

-Бўлмаса, битта «такси» топасан.

Бригадир берган пул аранг автобус кирага етарди. «Такси» тушмагур отасининг хунини сўрайди-ху! Бунча пулни Абдусалом ака қаердан топсин!

-Хўп, - деди умрида биринчи марта бировни алдаб. Кўчага чиқди-да, кейин бир отим нос чекиб қайтди.

-Тўхтатиб қўйдим. Кутяпти, - шундай деркан шоша-пиша захарли химикат солинган темир қутили юкни елкасига олди. Дарвозадан чиққач кўча чети билан паналаб жадал йўргалади.

Шаҳарнинг янги ташкил топаётган туманида бир туп дарахт анқонинг уруғи. Абдусалом ака офтобда жизганак бўлган кўйи вужудидан тер қўйилиб одимларкан, сал ўтмасдан кийим-боши шалаббога айланди. Бир лаҳза-ярим лаҳзалик ҳордиқ чиқариш тер селгишига ёрдам қилмасди. Юк эса тобора оғирлашиб бораётгандек эди.

Бора-бора қадди камалакдек эгилди. Жазирама эса баттар авжига чиқарди. Бекатда эса бундан баттар кўнгилсизликка дуч келди. Автобусга чиқаришмади.

-Юкингиз сассиқлигини сезмаяпсизми, - дейишди дакки беришиб. - Мумкин эмас, йўловчилар саломатлигига зиёни тегади.

Қопни қайта елкага олди. Минг азоб-уқубат билан шаҳарнинг бошқа четига қараб йўлга тушди. Қани энди бирон машина унинг илтижоларини инобатга олса. Хайриятки, инсоф деган мато одамларда йўқолиб битмаган экан. Кузови брезент билан ўралган автомашина гийқиллаб тормоз берди.

-Икки соат олдин шаҳарга кириб кетаётганимда ҳам ўтган кетганига қўл кўтариб тургандингиз, - деди саргимтил сочлари типратикон нинасидек диккайган чапанисифат йигит. Бизда асли

йўловчи олиб юриш таъқиқланади. Лекин сизга раҳмим келяпти. Иссиқда қийналиб кетибсиз. Шарти шуки, кузовга чиқиб ГАИларга қўринмасдан ерга ўтириб оласиз. Биров борлигингизни сезмасин.

Шофёр кимўзар беллашувларнинг иштирокчисими, чунонам газни босдики, Абдусалом аканинг ўн йил еган овқати оғзига келди. Автомашина навбатдаги чуқурликдан сакраб ўтаётганида қўлидаги қоп ирғиб чиқиб кузовга зарб билан урилди. Юкни олиб тиклаётганида темир қутига жон киргандек вишиллади ва сассиқ ҳид димоғига гупиллаб урилди. Бир дақиқада қоп бурчаги намланди. Худо кўрсатмасин, ҳали шунча азоб-уқубат билан келтираётган бойлиги тўкилиб битса-я! Бригадир тириклайин терисига сомон тикади-ку!

Темир қутининг дори силқиётган четини юқорига кўтарди. Кузовга бошқа урилмаслиги учун чақалоқ сингари маҳкам қучоқлаб олди. Бурни остида ҳамон илондек вишиллаб нафасини қайтараётган ҳид бошини айлантирарди. Бироқ парво қилмади. Сасиса сасийвермайдими. Омонатни омон-эсон шийпонга етказиб олса, марра уники. Насоснинг муздек сувида бир роҳатланиб чўмилади, олам гулистон.

Туман марказига етиб келганида узоқ кутмади. Омади келди. Қўшни қишлоқлик таниши қайиқли мотоциклида ўтиб қолди. Абдусалом акани кўрди-ю, шартта тўхтатди. Мотоцикл қайиғига чиқариб олди.

Хуллас, ўша кунги сафар Абдусалом акага қимматга тушди ва охири шундай оқибат билан якунландики, умр бўйи шу ҳолатга тушиб қолди...

-Катталаргаям ҳайронсан, - Барот аканинг сўзларини тингларкан отам қўшимча қилди. -Фақат пахта ва пахта талаб қилишади. Уруш тугаганигаям мана уч-турт йил вақт ўтяпти. Одамлар бўлса, ҳамон оч. Колхоздаги шунча майдоннинг лоақал 200-300 гектарига дон эктиришмайди. Пича бугдой эксак, уйларга дон кирарди, ишлаётганларнинг ранги чиқарди-ку! Бу ҳақда оғиз очсанг, зртасига ўзингни турмада кўрасан. Колхозни жамоа хўжалиги дегани билан бир бош қўйиға-ю, ярим сотих ерига тишинг ўтмаганидан кейин халқ қанақасига эга бўлсин мулкига, дунёда қизиқ ишлар ҳам кўпда уста Боротбой!

## УЙИМИЗДАГИ «МАКТАБ»

Ўша йили ёз бошланиши ҳамон Наманганга жўнаб кетган-лигимдан то куз ойларигача қайтмадим. Маҳалладаги болалар билан дўстлашиб олиб шўхлик ва тўполонларни авжига чиқардик. Охири қовун ҳазон бўлаётган куз ўрталарида шаҳарга иш билан борган отам мажбурлаб олиб қайтди.

- Тенгдошларинг аллақачон мактабга қатнашяпти, - дедим отам мени койиб. - Сен ҳалиям бекорчи болалар билан қўшилиб тупроқ чангитишдан уялмаяпсан.

-Мактабга бормайман, ахир, ўқиш-ёзишни биламан-ку, - дедим ўжарлигим тутиб.

-Қанақасига биларкансан?

-Акам ўргатган.

Мендан уч ёш катта акам ўша йил тўртинчи синфга кўчганди. Яхши ўқиганлиги учун биринчи синфдан иккинчи қолиб учинчи синфга сакраган. Гоҳи-гоҳида акамнинг уй вазифаларини бажариш пайтларида унга тақлид қилиб ҳарфларни ўрганганман. Кейин акамнинг ўзи ҳам саводим чиқишига кўмаклашар, мактабдан навбатчилик вақтида чўнтагига солиб олган бўр билан уйимиздаги чой яшигига ҳарфларни ёзиб кўрсатиб, «муаллимлик» қиларди. Шу боисдан алла қачон ўттиз уч ҳарфни билиб олиб исм-шарифимни, осон ёзиладиган кўпгина сўзларни қоғозга туширишни ўрганиб олгандим.

Отам эрталабдан оқшомгача колхоз иши билан бандлиги, онамнинг юмшоқ кўнгиллигидан қишлоққа қайтсам-да, анчагача мактабга бормай юрдим.

Октябрь ойининг ўрталари эди. Негаки, кунлар анча совиб кузнинг изгирин шамоллари эса бошланган, осмонда кеча-кундуз паркут булутлар сузарди. Тунлари устингизга қалинроқ кўрпа ёпмасангиз, совқотиб қолардингиз. Ҳали полиздан қовун-тарвузлар батамом йиғиштирилмаганлиги, пахта теришга келган ҳашарчиларнинг кўз тикиб турганлигидан полизни кимсасиз қолдиришни кўзимиз қиймасди.

Ана шу кунларда бизникида меҳмон бўлиб турган оппоғойим қандайдир иш билан ташқарига чиқди-ю, дарров қайтиб кирди. Онам қишлоқдаги қандайдир маъракага чиқиб кетган, мен акам мактабга кетиш олдидан «яшик-доска»га ёзиб ва қайтиб келганига қадар дафтарнинг иккала саҳифасмга кўчириб қўйишни тайинлаган ҳарфларни ёзиб ўтиргандим.

-Сени мактабга олиб кетиш учун домланг келяпти, - деди опогойим шошиб кириб.

Ўтакам ёрилгудек кўрқиб кетдим. Хаёлимда ҳозир муаллим болалар билан чайлага киришади-ю, оёқ-қўлимни боғлаб мактабга олиб кетишади, балки, кейин мелисага бериб қаматиб юборишар!

Пахтазор ичига ёки полиз четига уланган маккажўхоризор орасига жуфтакни ростлаб қолай десам, улгурмайман, у ерга етгунча очиқ майдон, келаётганлар кўриб қолишади.

-Қаерга беркинай, опогойи? - дедим ҳушим бошимдан учиб.

Опогойим у ёқ-бу ёққа қаради-ю, чайламиз ичкарасидаги кўрпа йиғилган тахмонни имлади. Кўрпалар тахламини олдинга суриб ортига мени жойлади. Тўрт букланиб ётганимча бутун вужудим қулоққа айланиб «тиқ» этган товушга қулоқ тутаман.

Опогойим меҳмонларни «илиқ» қаршилади. Дарров янги тўшаклар солинди, дастурхон солинди, қовун сўйилди.

-Биз набирангиздан хабар олгани келдик, - деди муаллим ташриф сабабини баён этиб. -Мана, ўқиш бошланганига бир ярим ой ўтяптики, дараги йўқ.

-Набирам Наманганда холасинкида эди, - изоҳ беришга тушди опогойим. -Шунга пича ушланиб қолди.

-Агар у ёқда ўқиётган бўлса, мактабдан маълумотнома келтириб беришсин!

-Ўзиям бугун-эрта келади. Келиши ҳамон мактабга жўнатаман!

Кетишлари олдидан муаллим ва болалар қўлига қовун тутқазган опогойим эртага албатта етиб келишлигимни, бобом мени олиб келишга кетганлигини айтиб муаллимни ишонтирди.

-Кетишдими? - сўрадим гуруҳнинг овози эшитилмай қолгач. - Нафасим тиқилиб кетди-ку?

Эртасига акам билан қўшилиб мактабга бордим. Муаллим яхши кутиб олди. Шунча вақт келмаганим учун уялтирмади. Болалар эндигина ўнга яқин ҳарфни ўрганишган экан.

-Домла, мен буларнинг барини биламан, - дедим мақтаниб.

-Қани бўлмаса, доскага чиқинг-чи! - таклиф қилди муаллим.

Ўттиз уч ҳарфни ёзиб ўқиб бердим. Ўзимнинг исм-шарифимни ҳам доскага битдим.

-Баракалло! - деди муаллим хурсанд бўлиб. -Сиз роса олдинлаб кетибсиз.

-Энди мактабга келмасам бўлаверадими? Ахир, ҳамма ҳарфни биламан-ку? - сўрадим муаллимдан.

Синф бўйлаб қаҳ-қаҳа кўтарилди.

## ДАЛАДА ҚАНДАЙ АДАШДИМ

Мақтабга янгигина қатнаётган кунларим, чамаси, бир ҳафтача вақт ўтди. Ҳар куни акам билан биргалашиб кетардик. Бу гал юқори синф ўқувчиларини туман марказида тиббий кўриқдан ўтказилиши муносабати билан барвақт келишларини тайинлашибди. Бизнинг машгулотлар эса чошгоҳга яқин бошланади.

Қуёш аллақачон ётоғидан бош кўтарган. Унинг ёғдуси чайламиздан сал наридаги одамлар «ялтироқ ўрик» деб аташадиган беш-олти тупдан иборат ўрик қаторлари узра ўйноқлай бошлаган. Отам кечагина шаҳардан келтирган олдида қўшалок чўнтакчаси бор ҳаворанг папкамни кўтариб йўлга тушдим. Бир чети қишлоққа бериб уланган ва дастурхондек ёзилган кенггина пахтазор даласининг ўртасидан ўрик қаторларига илонизи сўқмоқ уланган. Биз ҳар куни ана шу йўлак бўйлаб қишлоққа қатнаймиз. Одатда отам колхоз «полотарка»сида ёки отда келадиган бўлса, анча олис айланма кўчадан юради.

Ўша йилда гўзанинг бўйчан навидан экилганми ёки чаканаси сифатсиз ўтказилганми, шунақа говлаб кетгандики, бўйи катталарнинг кўкрагигача етиб борганди. Гўза оралаган болалар маккажўхори майдонига кириб қолгандай бўлишарди.

Ўзимча ҳиргойи қилиб борарканман, акамга ҳавасим келарди. Негаки, туманга кетаётганини эшитган отам анчагина пул берди, қишлоқдаги уйимиздан янги кийимларни келтиришди. Бунинг устига эрталаб ишга кетаётганида ўзи билан бирга олиб кетди. Майли, дея ўзимга-ўзим таскин бердим. Хаш-паш дегунча уч йил вақт ҳам ўтиб кетар, ўшанда мен ҳам акамга етиб оламан. Отам шаҳардаги чеварда тиктириб келган янги кийимларни кийиб, чўнтагимни пулга тўлғазиб тиббий кўриқдан ўтиб келгани бораман ва маъза қилиб музқаймоқ ва нишолдага тўяман.

Бир маҳал қарасам, одамларнинг оёғи остида метинга айланган згат ариқчалари ҳам текисланиб кетган сўқмоқ ўрнига чакалакдай бир-бировига чирмашган гўза згatlари оралаб кетаётган эканман. Юрагим ортимга тортди. Дарров болаларни ҳуштак чалиб ортидан эргаштирадиган ажиналар эсимга тушди. Бор овозимда бақириб йиғлагим келди. Киприklarимдан ёш қуюлаётганда отамнинг бир ҳафта илгари қапамизга келган меҳмонларга:

-Менинг ўғлим полвон, ҳеч нарсадан қўркмайди. Кечқурунлари ҳам чўчимасдан полизни айланиб чиқади, - деб мақтан-



ганлари, Сталин бобо сингари галифе шим ва мошранг кўйлак кийган шоп мўйлов амакининг ҳам:

-Катта бўлса, қим бўларкан? - дея сўраганида.

-Матрос бўламан. Денгизда маза қилиб пороход ҳайдайман. Немисларнинг кемасини бошлаб чўктираман, - деб қайтарган жавобларим эсимга тушди ва ўзимни босдим, дам ортимга дам олдинга юриб йўл ахтаришда давом этдим. Аксига олиб сўқмоқ сира топилмас, бошим тепасидаги мовий осмонда адашган подадек гуруҳ-гуруҳ сузаётган булутлардан ва арғамчидек чуваланаётган мезондан бошқа нарса кўзга ташланмас, қаёққа қараманг, қизгич гўза қаторларидан ўзга нарса кўринмасди. Ҳар тарафга юра-юра толиқдим ва қайсидир ўқариқ четига суяндим, пинакка кетдим.

Тушимда немисларга қарши жанг қилиб юрган эмишман. Синфдаги ўртоқларим билан чуқурча қазиб олиб душман ҳужумини кутаётсак, немис танклари бостириб келиб қолди. Гранатани эндигина отишга шайланаётсам кимнингдир:

-Манави кимнинг боласи? Нега пайкал ўртасида ухлаб қолди? Ота-онаси борми ўзи? - деган чинқириғи эшитилди.

Кўзимни очсам, шундоқ тепамда аравачасини етаклаган трактор патиллаб турар, эски пахталик кийиб олган, қўллари мой одам мени кўлига кўтариб олганича тинмай жаврарди.

Қарангки, шийлонга етишимга юз-икки юз қадамчагина масофа қолган экан. Дарров қаёқдандир одамлар етиб келишди.

-Худо бир асради, босиб кетишимга бир баҳя қолди, болачақам бахтига кўриб қолдим. Қарасам, ўқариқда нимадир юмалаб ётибди. Аввалига кимдир бирон юкини унутиб қолдирдим, дебман, қарасам одам.

Қаердандир етиб келган бригадир овозини баландлатди:

-Ётар энди, ҳадеб шанғиллай берма, ахир бу бола, мулла акамнинг мактабга янги қатнай бошлаган кенжаси-ку. Адашиб қопти-да бечора. -Кейин кулиб қўшиб қўйди. -Ахир, бўйи гўзадан паст. Дала сўқмоғидан кам юрган. Доим дадасининг чавқарида қатнарди.

Шундай деркан, пахта ёйиб юрган одамлардан бирига буюрди:

-Йигитчани капасига ташлаб кел. Аллақачон мактаби ҳам тамом бўлган!

## ПЕЧКАДА ПИШГАН НОН ШИРИН

У пайтлардаги қиш фаслининг ўйласам, ҳозир ҳайрон қоламан. Қор шунақаям қалин ёғардики, резинали этигимиз билан нуқул ғарчиллатиб қиш поёндози устидан мактабга қатнардик. Бунинг устига мана шу фасл охиригача ер юзаси очилмасди. Совуқ ҳам шунга яраша бўларди. Мактабга етиб келганимизгача ҳар биримизнинг қошу-киприкларимизни қиров бойлаб кичик қорбо-бочаларга айланиб қолардик. Боллалиқда одам совуқни сезмайди, деганлари рост шекилли, нимага десангиз эрталабки музлаган қорда ёки ойнага айланган ариқ ёки зовур устида сирғанишнинг ўзгача гашти бўларди-да.

Орадан бир неча йил ўтаётганига қарамасдан, ҳамон уруш йилларининг қаҳатчилиги кетмаганди. Одамларнинг ҳали қорни нонга яхшироқ тўймаган, кийим-боши ҳам айтарли бут эмасди. Болаларнинг пойафзалидан қор ёки муз намгарчилиги ўтиб кетар, совқотганидан мактабга етиб келгунча печканинг олди «ким ошди савдоси»га ёки «зўравонлар тахти»га айланиб кетарди.

Муаллимимиз Сиддиқов аҳволимизни яхши тушунар, баъзи болалар оёқлари совқотиб йиғлаган чоғларида масжид-мактаби-мизнинг айвонига чиқиб югургилаб оёқларини жонлантириб келишига рухсат берарди. Гоҳо, бундай рухсатномалар тўртинчи синфларгача ўқиладиган билим даргоҳимизнинг борлиқ ўқувчиларига «жорий» этилар, бинонинг ҳайбатли айвони чинакамига тўс-тўполон майдонига айланарди.

Кўмир етказиб бериб турилганлиги болаларнинг чинакам бахти эди. Ловуллаб олов ёниб турган печкаларимиз пойтавамиз ва пойафзалимизнинг қуритиб олишимиздан, қўл текса ҳам сезмайдиган даражада қарахтга айланган юз-кўзларимизни жонлантиришдан ташқари совуқда қотиб тахтага айланган курмак, жўхори ёки макка унидан пиширилган нонларимизни юмшатиб олишимизга ҳам қўл келарди.

Болалар менинг папкамга, айниқса, ўч эдилар. Мактабга етиб келиб печка атрофига қаторлашишимиз ҳамон унга ёпишишар, ичидан олпоқ бугдой нонни иситиб-иситмасдан бармоқ учидек қилиб бўлса-да тақсимлашар, менга эса ўзларининг макка ёки жўхори нонларидан совға қилишарди. Синфдошларимнинг гоҳ ўртоқларча эркатойлик билан, гоҳ эса зўравонлик ишлатиб бўлса-да нонимни тортиб олишлари менга оғир ботмас, уларнинг аҳволларини тушуниб турардим.

Печка устига қўйиб қайтадан иситиб пиширилган нон ширинда. Макка ва жўхори нонлари ҳам ич-ичларигача қизариб тотли бир неъматга айланарди.

Қиш охирлаётган паллада бўлса керак, қар сафаргидек онажоним энли рўмолчага ўраб папкамга жойлаштирган нонимдан ажраб мунгайиб ўтирсам қишлоқдаги ён қўшнимиз, синфимиздаги зўравонлардан бири ҳисобланган Турсунали ёнимга келди-да, папкасидан курмак нон чиқарди.

-Қорнинг ҳам очикқандир, ахир, болалар еб тамомлашди-ку нонингни. Мана, ол, менинг нонимдан еб кўргин. Биз уйда шунақа нон еймиз. Опамнинг айтишича, отам армиядан келса биз ҳам бугдой нон ерканмиз, - деди.

Турсуналининг отаси ҳам урушда бедарак кетганди. Ўртоғим онасининг айтишича, азалдан тепса-тебранмас ва дунёни сув босса ҳам тўпигигача чиқмайдиган «ота жонивор» бир энлик хат жўнатиш ҳам ҳаёлига келмасмиш...

Ўртоғимнинг нонидан еб кўрдим. Тишларим орасида бироз гижирлаб турди-да, кейин ютилмасдан силлиқиб оғзимда у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди. Охири ютиб юбордим. Лекин томоғимни қирғичдек тилимлаб кетди. Бечора Турсуналилар зрта-ю-кеч шунақа нон ейишар экан. Майли, менинг биттагина бугдой нонимни ейишса-ейишибди-да.

## НОН ЕЙДИГАН МУАЛЛИМ

Колхоз идораси биз яшаётган уйдан бир-бир ярим чақиримча масофада жойлашган. Идорадан яна шунча йўл юрсангиз, мактабга етасиз. Гоҳо, Турсунали ва Абдулла билан идорагача ким тезроқ югуриб бориб келиш ўйнаймиз. Турсунали ҳаммамиздан чопқирроқ. Шунча ҳаракат қилмайин, ҳеч етказмайди.

Бўш вақтимиз бўлсаёқ бизни идора томонга оҳанграбодек тортадиган нарса, бу ернинг гавжумлиги. Ким томонидан ва қачон ўтқазилганини ҳеч ким билмайдиган, кўпдан-кўп эртақлардаги аждақоларни эслатувчи йўгон илдизлари ҳовуз атрофини метиндек ўраб турган кекса бақатераклар ости айниқса ёз ойларида ободонлашади. Бир гал «Урайим оқсоқол» деган киши бу ерга бир неча сўри ўрнатиб қўлбола чойхона ҳам ташкил этган. Бошига эски қийиқни чапаниларча салла қилиб ўраган Урайим аканинг бақда маромига етказиб қайнатилган чойи фалон пул турарди.

Урайим аканинг чойхона очганлигининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Одамларнинг ҳар қаёқдан топган, асосан, колхоз томонидан тарқатиладиган ғаллани янчиб бериш учун шу ердаги қаровсиз иморатда «ўт тегирмон» очилган эди. «Ўт тегирмон» дегани узун, сира узилмайдиган березент қайишлар билан моторни тегирмон тошларга улаб айлантириш ҳисобига дон янчиб бериларди. Чамаси, икки-уч қишлоқ ўртасида шу ердагина қишу ёзда бир маромда ишлай берадиган тегирмон борлигидан одамлар тупи узилмасди.

Бир сафар учовлон ҳар кунгидек ким ўзарга баҳс бойладик. Кўклам узил-кесил бошланмаганидан ҳаво анча салқин, ҳар қанча чопқилламанг, пешонангиздан тер чиқмайди, аммо оғзингиздан паровоз ҳовуридек сингари буғ кўринади. Шу куни омадим келиб Турсуналидан ўзиб кетдим. Абдулла иккисини аллақанча ортимда қолдириб ҳалослагунимча ўпкам оғзимга текилиб борарканман, «ўт тегирмон» олдидаги майдончадан ўтаётганимда кийим-боши-ю, юз-кўзлари қорбободек тегирмоннинг оппоқ гардига беланиб қаторлашганлардан кимдир қўлини кўтариб отимни айтиб чақирди. Ўша алфрозда шошилганимча ўгирилдим. Ўгирилдим, кўзларимга ишонмай қолдим. Тегирмонда навбат кутиб турган бошқалар сингари кийим-боши-ю, қош-киприklarига ун гарди қўниб қорбобога айланган муаллимимиз Сиддиқовни менга силкитган қўл бармоқларидан дарров танидим. Муаллимимизнинг чап қўлидаги тўрт бармоғини урушда ўқ олиб кетганди. Ортимдан баҳс бойлашган шерикларим чопқиллаб келишаётганликлари учун тўхтаётган олмадим.

Шу кўйи уйимиз рўпарасига етиб келдим-да, шерикларимни ҳам огоҳлантирмасдан онажоним ёнига отилдим. Каллам гувиллар, ҳеч нарсани англаб етмасдим. Одамлар-ку, овқат ейишади, шунинг учун тегирмонга келишган, лекин муаллимимиз улар орасида нима қилиб юрибди ёки у ҳам нон ейдими? Бўлиши мумкин эмас. Нимага десангиз, биз дарс бошлангунча, ё бўлмаса танаффус пайтларида талашиб-тортишиб, қиш пайтларида печкада иситиб, бошқа маҳалларда уйдан келтирганимиз куйи нон еганимизда ҳам Сиддиқов бирон марта оғзига солмаган-ку? Овқат ейишса, ўзгалар каби оддий одам бўлиб қолади, улар муаллим-ку ахир! Мингта қовоқари кириб олиб бетўхтов айланаётгандек каллам ғовлаганича онамга дедим:

-Тегирмонда муаллимимизни кўрдим. Уям ҳаммаёғи ун бўлиб юрибди. Чақирганди, бормадим. Кўрқиб кетдим.

-Нега? - хайрон бўлиб сўради онам.

-Ахир, одамлар-ку овқат ейишади. У нима қилади тегирмонда?

-Бугдойини тортгани келган бўлса керак-да.

-Бекорларни дебсиз. Сиддиқов нон емайди, мен кўрганман. Онажоним мириқиб кулди.

-Нега емас экан, ахир уям одам-ку!

-Одам эмас, муаллим у!

Онам бошини кўкрагига босиб тагин кулди.

-Уям инсон боласи, ўғлим. Муаллимларниям уйи, рўзгори, бола-чақаси бўлади. Уларнинг ҳам қорни очади, овқат егиси келади.

Ҳамон ҳеч нарсага тушуна олмасдим. Наҳотки, муаллимларнинг ҳам қорни очса, улар ҳам биз сингари чой ичиб нон ейишса?

Онажоним бу гапни ҳарчанд қайтармасин, гўдак онгим уни ўзига ҳеч сингдира олмасди, муаллимни ҳеч кимга ўхшамайдиган муқаддас ва сирли олам вакили деб билганлигимданми, унинг худди ўзгалар каби хўриллатиб чой ичиб, чапиллатиб нон ейишлигини ҳеч-ҳеч кўз олдимга келтира олмасдим.

Ниҳоят волидаи-муҳарраим кулишни тўхтатиб ўчоққа ўт қалади. Чойдиш қайгагач, тунука чойнакка чой солиб қўйди. Икки дона нонни сочиққа ўради-да, қўлимга тутқазди:

-Бор, чой билан нонни муаллимнингга ташлаб кел. Нариги маҳаллада яшайди. Алла қачон тушлик ҳам бўлган, очиққандир бечора.

Кечкурун дастурхон устида менинг гапимни отамга айтган эди, биргалашиб роса кулишди.

## **САНДАЛДА КИНО КЎРСА БЎЛАДИМИ?**

Мактабга қатнаётганимга эндигина ўн беш-йигирма кун ўтиб-ўтмаган. Пахта охирлаб кино кўрсатиш эндигина расм бўлаётган кезлар эди. Кино қўйишяпти, деса ҳар хил суратларни кўрсатишса керак, деб ўйлардик. Лекин суратлар ҳаракатга келади, гапиради, ўйнаб-кулади, деса бизни алдашяпти, деб ишонмасдик. Ана шундай кунларда тиниб-тинчимас Эрмат:

-Мактабимиз олдида кино кўрсатишаркан, - деган янги гап топиб келди. Аввалига ишонмадик, ёлғончи ошнаимиз бу гап ҳам бизни лақиллатяпти, деб ҳисобладик.

-Гапим ёлгон чиқса, «тириклай ўлай», - дея осмонни кўрсатиб қасам ичди шеригимиз.

Рост бўлса, ростдир, лекин кинони кечқурун кўрсатиши чатоқ экан-да. Биринчидан, қоронғида бориб томоша кўриб келишга уйдагилар рухсат беришмайди, қолаверса, ҳаво анча совуған, адабимизни емасмикимиз?

-Кинога бормаган қиз бола, - деди тагин сал нарсага қасам ичиб бошқаларни ҳам шунга чақирадиган Эрмат ва бош бармогини осмонга ниқтаб тишлади. Бу қасам ичишнинг бир тури бўлиб уни бузганлар қаттиқ гуноҳга ботади, деган маънони билдиради.

Пешингача ўқиб кейин мактабимизга оқшом олдидан тагин ҳайтиб хелганимизда ажриқ босган майдонча анча гавжум эди. Ўша даврда кенг расм бўлган «полоторка» автомашинасидан кино кўрсатувчи ускуналар туширилаётган экан.

Кино ҳақида ҳар ким ҳар хил гапларни айтарди. Баъзи болалар биз учун мўъжизадек кўринаётган катта-кичик мана шу темир қутилар ичига митти оламчалар кириб олган, уларни бошига олди соябонли фуражқасини тескари кийиб олган ўрис бола кечқурун афсун ўқиб ўйнатади, деса, бошқа болалар моторга керосин қуйиб гуриллатиб ишлатса, аппаратлар ичидаги чироқлар ёнади, улар жуда кучли бўларкан, ҳатто қоғозлардаги суратларни ҳаракатга келтириб гапиртиришга ҳам қодир экан, деб донишмандлик килишарди.

Ниҳоят борлиққа тун ўз чодрасини ёйди, ҳозиргина чарақлаган ой кун ботиш томондан бостириб келаётган қорамтир булутлар остига беркинди. Тун осмонида унда-бунда булутлар йиртигидан мўралаётган юлдузни демасангиз, борлиқ зим-зиё зулмат пардасига бурқанди. Ниҳоят, соябонли бош кийимни тескари кийган ўрис бола «уч оёққа» ўрнатилган аппарати муравватини буради ва атрофни кундузгидек ёритиб турган электр чироқни ўчирди. Мактабимиз деворида ёзилган чойшабдек тўрт бурчак ёруғлик пайдо бўлди-да, сўнг «Тоҳир ва Зухра» деган ёзув кўринди.

-«Тоҳир ва Зухра» киноси экан, - ҳар тарафдан қувноқ кийқирди ва болалар чапаги эшитилди.

Томоша пича давом этди-ю, шу маҳал аксига олгандай изғирин шамол туриб ёмғир томчилашга бошлади. Киночи томошанинг давомини эртага қўйиб беришга ваъда қилиб тўхтатмоқчи бўлди.

-Қўябер, кўраверамиз! Тош ёгсаям тўтхатмайсан, кино яхши экан, - деган қичқириқлар эшитилди.

Машина тепасидан туширилмаган моторнинг уриллашидан қувват олган аппаратнинг миттигина тешигидан сочилиб чиқаётган ёп-ёруғ ва кучли ёғду чинакамига мўъжизакор экан. Деворда расмлар эмас, чинакамига одамлар гапирар, ҳаракатланишар эди.

-Буни электр токи дейишади, - билагонлик билан бизга тушунтирмоқчи бўлди Эрмат. -Ўлган одамга теккизса тирилтириб юборар экан. Тирик одам ушласа, бир зумда тил тортқизмай, «тинчитаркан». Акам шунақа деган.

Эрматнинг шаҳарда машина минадиган акаси бор, сал нарсага акасини пеша қилади. Мен эса унинг гапига ишонавермайман, кўпчилиги мақтанчоқлик билан айтилган ёлғон гаплар. Рост-да, агар жасадга электр токи теккизилса, тирилса, ҳеч ким ўлмаган бўларди-ку! Шуларни юзига солсанг, дарров ёқангга ёпишади.

Барибир, ёмгир ёмгирлигини қилди, ахир устингдан челақдан совуқ сув қуйилиб турса, жонинг темирдан бўлса ҳам чидамас экансан. Одамлар бирин-кетин ўринларидан туришга бошлашди. Бу киночига ҳам хуш ёқди, томошага йиғилганлар яримламасиданоқ аппаратини тўхтатди - ҳўйди.

Янгича томошадан кийим-бошимиз шалаббо бўлганича сувга тушган мушукдек қунишиб қайтарканмиз, барибир, катта завқ-шавқ борлигимизни қуршаб олганди. Таассуротларимизни ўртоқлашиб тугата олмасдик. Ўртоқларим билан лой кечиб ёнма-ён қадам ташлайману битта орзу, хаёлий бир ўй калламда айланарди. Шунақа кино томошаларни бугунгидек изгирин шамол ва баданингизни чимдиб оладиган совуқ ёмгир томчилари остида эмас, балки ўз уйингизда, ўрик ўтин чўғи ялтираган сандалга оёғингни тиқиб кино кўриб маза қиладиган вақт келармикан!

## ТУГАНМАС ЭРТАКЛАР

Икки ойдирки, ҳаммаёқ оплоқ, гўё кимдир бутун борлиққа оқ чойшаб ёпиб кетгандек. Мактабимиз ҳовлисидаги қўшалок қайрағоч ҳам қишлоқдаги қори бувага ўхшаб бошига оқ салла ўраб олган. Ҳовузу ариқни, зовуру, дала ва кўчани ажратиб бўлмайди. Бари чексиз оплоқ матога кўшилиб кетгандек. Мактабга етиб келгунча қош ва киприklarимизни қиров боғлаб жажжи қорбобочаларга айланамиз. Ягона орзуйимиз тезроқ мактабга

етиб олсагу, кўмири жазиллаб ёнаётган чўян печкамиз атрофига жойлашсак. Бунинг устига уйдагилар ғамлаган доннинг таги кўриниб қоляптими, папкаларимизга солинаётган нонлар тобора юпқалашиб, ҳам кичрайиб борарди. Кеча Акрам, олдинги куни Баҳром дарсда ўтирганлари ҳолда ҳушдан кетиб қолишди. Сиддиқов уларни кўтариб муаллимлар учун ажратилган, аслида, қоравулхонага кўтариб чиқиб кетиб нон берган. Ҳамма нарсадан хабардор ҳамма жойда ҳозир у нозир. Эрматнинг айтишича, Сиддиқов мошранг «армия кители» ичидаги белбоғи орасига ўраб боғлаб келадиган жўхори нонидан едириб ўзига келтирган.

-Энди ўзи оч қоладиган бўпти-да, - дедик Сиддиқовга ачиниб.

Эрмат бепарво қўл силтади:

-Муаллим фронтовик, улар урушда оч юравериб чиниқиб кетишган.

Учинчи дарсни ҳам амаллаб ўтказамиз. Кейин қорин қурмагур бирам дўмбира чалишни бошлайдики, тишимизни тишимизга қўйиб аранг чидаймиз. Очиғи, муаллимнинг гапи ҳам қулоққа кирмай қолади. Қовоғингизга тош осилгандек оғирлашади, муаллим сўзлари гўё пашша ғинғиллаётгандек, тушингизда айтилаётгандек туюлади. «Куён» бўлишни-ку боплаймиз, дераза тоқчасига папкани қўйиб нариги томондан олиш писта чаққандек гап. Бизни битта нарса ушлаб турарди. Сиддиқовнинг кеча бошлаган эртаги қандай тугашлигини билмаслик ҳаммадан орқада қолиб кетиш дегани. Ахир, энг қизиқ жойида тўхтатган-да. Агар уйга кетиб қолиб эртасига болалардан сўрасангиз, ўлишсаям айтишмайди. Ўтган сафар шунақа бўлган. Зовурда муз сирғаниб кетаётганимизда сувга оёғим тушиб кетиб шамоллаб қолгандим. Акам кечаси уйку орасида роса алаҳсирадинг, деган. Эртасига мактабга жўнатишмади. Тузалиб қолдим, ҳеч қаерим оғримаяпти, десам ҳам, «баданинг ўт бўлиб ёняпти, қачон соғайсанг, ўшанда борасан», деб унашмади. Икки кун мактабга бормаганимда иккита эртак ўтиб кетибди. Болалар йўлда ўша эртакни эслаб роса мақтанишди. Ичим хўпам куйди-ю, сездирмадим. Турсуналига тўртта ёнғоқ берсам ҳам ўша эртакларни айтиб беришга унамади, кейин ёнига отамнинг меҳмонлари келган куни чўнтагимга солиб олган иккита конфетни қўшиб аранг кўндирдим. Шунда ҳам «мендан эшитганингни ҳеч кимга айтмайсан» деб қасам ичириб олган.



Шундоқ мактабимиз орқасида Эркин деган бола яшайди. Биз билан бир синфда ўқийди. Новча, оқишдан келган, қош-кўзи қоп-қора. Лекин бечора кар ва гунг. Гапирсангиз қўлини қулоғига теккизиб силкитади-да, эшитмайман ишорасини қилади. Сиздан бирон нарса сўрамоқчи бўлса, ўзича нималарнидир гулдирайди. Ҳаммамизнинг Эркинга раҳимимиз келади. Ҳеч ким уни масҳара қилмайди. Жаҳли жуда ёмон. Агар калака қилаётганингизни пайқаса, соғ жойинигизни қўймайди. Берди деган бола бор. Ўзи батаринроқ, уришни хоҳламасанг ҳам жанжал чиқарадиган кимсалардан эди. Бир сафар жимгина дарсини қилиб ўтирган Эркин олдига келиб тилини чиқарди-да, алланарсалар деб масҳаралади. Эркин жойидан тўпдек отилиб турди-да, гавдаси ўзиникидан икки баробарга яқин йирик бўлган Бердини остига босиб олиб шунақаям саваладики, аранг қутқариб олдик. Энг ёмони, кейин юз берди. Бир ой ўтар ўтмас Берди ўқишга келмади. Билсак, ўлиб қолган экан. Бунинг сабабиниям Эрмат айтди, Эркиннинг жинлари бор экан, хафа қилганлиги учун жонини олиб кетишибди.

Эркин қулоғи эшитмаса ҳам муаллимнинг тушинтиришларини жимгина тинглаб ўтирарди, ҳеч кимга ҳалақит бермайди. Хати чиройли, ҳуснихат дарсидан доим «беш» баҳо олади. Муаллим гоҳида чиройли ёзганлиги учун елкасига қоқса, уялган бўлиб қизарганича ерга қарайди. Сиддиқов «Эркинжон жуда ақлли бола, математикани ҳам ҳаммаларингиздан яхши билади» деб мақтайди. Ростдан ҳам амалларни туппа-тузук бажаради.

Сиддиқов ҳар куни дарс охирлаётганида доскага «Энди эртақлар оламига саёҳат» дарсини бошлаймиз, деб ёзиб қўяди. Шунда синфхонамизни чапак овози тутади. Агар қўшни хонада дарс ўтилмаётган бўлса, «ура» деб қичқириб ҳам қўямиз. Мен буни биламан, бу ёзув, албатта, Эркинга аталган бўлади. Негаки, Сиддиқов шундай деб ёзмаса ҳам барчамиз эрталабдан интиқлик билан кутаётган дақиқалар бошланяпти-ку. Шунда Эркинни зимдан хузатаман. У ҳам ўзича нималарнидир гулдираб қарсак чалади. Ахир, қулоғи эшитмайди-ку! Лекин муаллим эртақ бошлаши ҳамон гўёки бутун вужуди қулоққа айланади, муаллимдан кўз узмайди. Бунинг боисини ҳам Эрмат изоҳлайди. Эмишки, Эркиннинг жинлари билан бирга фаришталари ҳам бор экан. Фойдали гапларни қулоғига етказиб тураркан.

Бир зумлик тўполондан сўнг синфхонамизга сув қуйилгандек сукунат чўқади. Агар шу маҳал пашша учса ҳам фингиллашини бемалол эшитса бўлади.

-Ўтган сафарги эртагимизни қаерида тўхтатгандик? - сўрайди муаллим.

Шу заҳоти ғала-ғовур кўтарилади. Сиддиқов ҳудди дирижёрлардек кўлини кўтариб болалардан жим бўлишни сўрайди. Кейин кечаги кун ярмида тўхтаган эртакни охирига етказди.

-Янгисини айтинг, янгисини! - бутун синф гувиллайди. Муаллим болалар тоқатини синамоқчидек парталар ўртасидаги йўлакдан аста одимлайди ва бизга қадрдон бўлиб қолган сирли оҳанг билан янгисини бошлайди. Эртакни энг қизиқ жойида тўхтатади-да, соатига қарайди. Шу заҳоти қўшни синф муаллими Усаровнинг қаердандир сотиб олиб келтирган кўнгироғи бўғиқ жаранглайди. Муаллим болаларга мурожаат қилади:

-Эртага кимнинг иши бор? Ким рухсат сўрамоқчи?

Шу заҳоти жавоб эшителиди:

-Ҳеч кимнинг иши йўқ. Ҳаммамиз келамиз!

Чиндан ҳам шундай бўларди.

## МАКТАБ «ҚОРАВУЛИ»

Бу воқеа отам дўкончиликдан кейин тагин Марказий Фарғона чўллари бошланишидаги хўжаликка раислик қилаётган йилларда юз берганди. Урушдан кейинги қийинчиликлар, одамлар тўйиб овқат ейишмас, мактаблар учун иморат етишмасди. Биз эски масжид биносида ўқирдик. Биринчи синфни тамомлаб таътилда бекорчиликдан кўча чангитиб юрган ойларимиз. Тиниб-тинчимайдиган Эрмат мактабни кўриб келишни таклиф қилиб қолди. Ростдан ҳам мактабни ҳар куни дарс охирида қизиқдан-қизиқ эртакни бошлаб кўйиб, давомини эртасига айтиб беришни ваъда қилиб юрадиган муаллимимиз Сиддиқовни соғингандик. Мактабнинг қўшни қишлоқда эканлиги, бунинг учун икки-уч чақирим йўл босиш лозимлиги ҳам малол келмади. Етиб борганимизда масжид - мактабимизнинг анча тартибга келтирилганлигига гувоҳ бўлдик. Деворлар оқланган, деразалар бўялган. Ойнадан қарасак, парта-ю доскалар ҳам ялтираб турарди.

-Ичкарига кирамиз! - Ҳалиги ташаббускор ошнамиз розилигимизни ҳам олмасдан дераза ойналаридан бирини дарров

«тинчит»ди. Олти-етти тирмизак узун-қисқа бўлиб бир зумда ичкарига ўтиб олдик. Қўшни хона эшигини очиб кираётганимизда тўсатдан Эрмат овози қалтираб бурчакка имо қилди:

-Норқул бобо нега бу ерда турибди? Ахир у бултур кузда ўлмаганмиди?

Мақтабимиз қоровули Норқул бобони яхши танирдик.

Ҳаммамиз баробарига ўғирилдик. Ростдан ҳам икки оёқли қора доска ёнидаги бурчакда ўша узун соқолли чол нигоҳини ерга тикканича ўйга ботиб оёқда тик мудраётганди.

Кейинги воқеалар ривожини айтмасдан қўя қолай. Хуллас бир зумда четдаги синф хонасининг иккала деразаси ҳам ойнаси билан қўшилиб чилпарчин бўлди. Бир нечамизнинг қулоғимизу пешонамиз, бурнимизу қаншаримиз қашқа бўлганича ташқарига қараб тўпдек отилдик. Чамаси, ўзимизнинг қишлоққача ит қувлаган мушукдек ортимизга ўғирилмасдан қочдик. Кейинчалик ҳам анча вақтгача ўша синфга киришга юрагимиз бетламай юрди. Ажабо, энди ўйлаб қарасам, ўша кўрганларимиз ростдан ҳам бўлганми, ёки кўрққанга қўша кўринганми, аниқ билмайман. Ҳар ҳолда сирли олам бу, дея бежиз айтмайдилар шекилли!

## КЎР ҚИЙИҚ

Отам тажанг, чўрткесар, бир гапини иккита қилмайдиган, сергайрат, шу билан бирга бўйлари ўртачадан келган бўлсалар-да, кучли одам эдилар. Буни чўлдан янгигина кўчиб келган кунларимизда кўриб яна бир бор ишонч ҳосил қилганман. Қаровсизликдан ҳовлимиз ҳароба ҳолатга келган, томорқамизнинг ярмини колхоз пахтазорга қўшиб олишган, қишлоқ болалари икки ой остидан кетмайдиган ва Хўжаназар амаким кўчатини олиш Майгур қишлоғидаги қариндошларимизникидан келтириб ўтқазган машҳур жилон жийдамитни ҳам кесиб кетишган эди. Ўша кезларда бир сафар отам кўчадан қизариб-бўзариб кириб келдилар. Юпқа кулранг ёзги кителларининг чўнтагидан узилмайдиган дастлунгиларини олиб лоларанг тусга кирган юз-кўзларини бот-бот артар, ёқалашаётган кишиларга хос тез-тез нафас олардилар.

Бунақа маҳалларда яхшиси назарларига тушмаган дуруст. Акам «дарсни тайёрлагани» томорқа томонга ўтиб кетди, мен эса «молларга қараб қўйгани» молхонага кириб кетдим. Отам бир дақиқа у ёқ- бу ёққа алангадилар-да, кетмонни кўтариб томорқа аригимиз тарафга қараб юрдилар.

Қандай воқеа юз берганлигидан дўкондан совун олиб қайтаётган катта амақимнинг ўғли Жониқул ака билан кўчага сув селиб юрган Ёқуб ака хабар топишган экан. Жониқул аканинг зртасига отам қаёққадир чиқиб кетганида онамга гапириб бераётганида эшитиб қолдим.

...Оиламизга нисбатан адолатсизлик қилинганидан ранжиб юрган отам орани очик қйлишга пайт пойлаб юрган. Одатдагидек зғнидан Сталинники сингари мошранг гимнастёрка билан галифе шим узилмайдиган раис Иномов тарвуз боғлагандек қорнини кўтара олмасдан ариқ устига қўйилган кароватда ёнбошлаб ётганида бориб салом берибди. Собиқ раиснинг ҳурмати учун Иномов сал кўзғолгандек бўлиб қўли учини узатибди.

-Жийдаларни кестириб чатоқ қилибсиз-да, Иномов, - дебди отам аввалига босиқлик билан. -Укам бечорадан ёдгорлик эди, узоқлардан келтириб ўтқазганди. Онам анча қайғуриб кўз-ёши тўкибди. Томорқаниям ярмини олиб қўйибсиз.

-Фронтда йўқолиб кетган ёлғиз сизнинг укангиз эмас. Томорқага келсак, колхозда ишламаганларники «кесиб ташлансин» деган ҳукумат қарори бор.

Отамнинг ҳам чапақай феъли тутибди.

-Саксонга кирган кампир далага чиқиб гўза чопсинми, - дебди ўз навбатида отам ҳам қўлларини силкитиб. - Мен чўлда бекордан-бекор кўча чангитиб юрдимми? Хоҳласам, ўрнингга хоҳлаган маҳалда раис бўламан!

Иномов тагин қўлларини шоп қилиб овозини баландлатибди:

-Сизга ўхшашлар касрига ўтган йил колхоз планини бажара олмасдан қолди. Яхшиси, хотинингиз билан кетмон олиб далага чиқинг!

Отам бировга ҳаққини ўтказадиган одам эмасди.

-Пахтани, планни ўйлайдиган сўлоқман зрта-ю-кеч сўрида ёстиқ кучоқламасдан дала айланиш керак, - дебди ва кейин ўрниларидан коптокдек сакраб турибдилар-да, раиснинг гимнастёркаси ёқасидан бўғиб қолибдилар.

-Мулла акамнинг шунчалик бақувват эканлигини билмас эканман, - деганди ўшанда Жониқул ака. - Ажратиш учун Ёқубжон ака билан борганимизда биримизни у ёққа, иккинчимизни бу ёққа силтаб ташладилар. Қўллари бамисли омбир экан, раиснинг ёқасини аранг чиқариб олдик. Мулла акам чангалидан чиққан Иномов лочин қўлидан қутилган какликдек гандираклаганича идорага кириб йўқолди. Сўнг кулиб қўшиб қўйди:

-Ўшандан бери раис кароватга бошқа чикмай қўйди. Кароватни ариқ устидан олдириб ҳам ташлади.

Отамнинг Ҳайдар бува деган қўшни қишлоқдаги ҳосилот ошнаси бўларди, бир кеч ҳол сўрагани келиб воқеа тафсилотини сўраганида отам эътибор бермагандек қўл силтади.

-Қўйинг ошна, арзийдиган гаплардан гаплашайлик. Бир кал қийиқ, бир кўр қийиқ, деганлар. Иномов ана шунақа кўр қийиқлардан экан.

Отамнинг Иномовнинг бир кўзи қийшиқлигига ишора қилаётганига тушундим. Ростдан ҳам отам кузга бориб қўшни қишлоқдаги хўжаликка, икки йил ўтгач эса Иномов ўрнига раис бўлди.

## ЖАГАЛИ

Юқорида ҳикоя қилганимдек, отам чўлда бир неча йил ишлаганидан, мен учинчи синфга ўтганимдан сўнг ниҳоят қишлоғимизга кўчиб келдик. Ҳовлимиз анча хароба ҳолатга келиб қолган, уйимиз кўриниши ҳам бир аҳволда эди. Айтишларича, шу ўтган тўрт йил ичида отам атиги икки мартагина, шунда ҳам қариндошлари вафоти муносабати билан ташриф буюрган экан. Кексайиб қолган бувимизнинг бот-бот касалланаётганлигини кўрсатиб уста-уст ёзган аризаси важдан ишдан бўшашга рухсат беришибди.

Ўн беш-йигирма кун жонимизни жабборга бериб, ҳовлимизни басарладик. Ўт-ўланларни юлдик, қаровсизликдан қуриган дарахтларни чиқардик. Ҳар қанча зўрлашса ҳам отам ишламай юрди. Барибир қўйишмади. Отдан йиқилиб ўлган қўшни хўжалик раиси ўрнига олиб кетишди.

Ўша кунларда акам сўйиб берган урушқоқ қизил хўрозимиз (укамни қувлаб кўрқита берганлиги учун шундай қилганмиз) шўрвасини эндигина ичмоқчи бўлиб турганимизда отам будённийча мўйлаб қўйган татар нусха одам билан кириб келди. Акамга пул бериб қулоғига нимадир шивирлади. Чопиб кўчага чиқиб кетган акам газетага ўроғлиқ нарса узатди.

-Қайнонангиз суяр экан, меҳмон, хўроз сўйилибди, шўрваси билан баҳам кўрасиз, - деди отам манзират қилиб. Сўнг қўшиб қўйди. - Бизга узр, номозхонмиз.

Меҳмоннинг исми Жағали деган бўлиб катта усталардан экан. Қўлида кўтариб келган кўмирдек қоп-қора чарм сумкасининг ичи тўла асбоб-ускуна эди.

Тўғриси айтиш керак. Жағали овқатни ҳам ўлгудек ер, ўзиям қаттиқ ишларди. Уйимизни таъмирлар, полларни янгилар, шифтга фанер ёпиштирарди. Яна бир одати, тушликди мени ёки акамни чақириб кўзини қисарди:

-Кечагидан бир жуфт келтир!

Кечагиси «тройной» атри бўлиб, ҳар иккисини косага кўпиртириб ағдарар, устига пича қайнаган сув кўшиб симирарди. Ичиб тугатгач, иккинчи бор кўзини қисарди:

-Хўжайин келсам сезмайди, соқол олдириб атир сепдик, деймиз.

Бир гал кечга яқин кўчага папирос олиш учун чиққан Жағали қайтиб келмади. Унинг қайтишини кутиб алламаҳалгача ошниям сузмадик. Эртасига отам янгилик топиб келди. Жағали қидирувдаги одам экан. Чечен миллатига мансуб бўлиб Уралдаги қайсидир завод қозонхонасини портлатиб қочган экан. Қишлоғимизда юрган участкавой қўлидаги расмга солиштириб таниб қолибди. Отам икки бор вилоятдаги қамоқхонага излаб бориб, охири, топибди ва рухсат олиб ичкари кирибди.

-Прокурорга гапнинг очиғини айтдим, - деганди отам қайтиб келгач пешонасидаги терни артаркан. -Уйимда йигирма кун ишлади. Ҳақини бермасдан иложим йўқ, дедим. Илтимосимни инobatга олишди. Панжара ортидан кўришдик. Пулни, асбоб-ускуналарни кўзига кўрсатиб назоратчига топшириб қайтдим. Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди-я!

## СЎНГИ СЎЗ

Қадрли ўқувчим! Мана, биринчи китобнинг сўнги варағига ҳам нуқта қўйилди. Ҳар кимнинг умр йўлида у ёки бу тарзда кечадиган болаликнинг сирли дунёсида бу гал сиз каминанинг кечмишлари билан танишдингиз.

Инсон тирик экан, то ҳаёт шамчироғи пирпираб тураркан, орзу билан яшайди. Мен ҳам Яратганининг ўзи умр ва саломатликни дариг тутмаса, камтарин бир ижодкор сифатида турмуш сўқмоқларида кўрган-кечирганларимни қоғозга туширишни давом эттиришни, яна икки китоб битишни ният қилганман ва улар сиз ҳозиргина танишиб чиққан воқеалар давомидан сўз юритади. Навбатдаги китоб саҳифаларида учрашгунча!

## МУНДАРИЖА

Ростакам ёлгон.....	3
Фронга қай тариқа йўл олганим.....	5
Мушук думидаги хазина.....	7
Баҳор тугмачалари.....	8
Резина одам.....	10
Бир тутам бошоқ.....	11
Бобом айтмаган сир.....	13
Бўрибосар.....	17
«Раҳмонча» лақабли катта бобом.....	19
Қашқирлар қуршовида.....	20
Қароқчилар доғда қолишди.....	22
Қанот чиқарган от.....	25
Менинг қирғизистонлик тоғам.....	27
Опоғойим бармоғи нега тўмтоқ.....	32
«Босволди» чол.....	36
Қирғоқдаги бута шохига қандай илинганим.....	38
Дарахт устидаги театр.....	40
Тўлов.....	41
«Бемаза» нишолда.....	43
Уруш болалари.....	44
Жийда мон.....	45
Харсангдан-да оғир вазифа.....	47
Пахта қурбони.....	49
Уйимиздаги «мактаб».....	54
Далада қандай адашдим.....	56
Печкада пишган нон ширин.....	58
Нон ейдиган муаллим.....	59
Сандалда кино кўрса бўладими?.....	61
Туганмас эртаклар.....	63
Мактаб «қоравули».....	66
Кўр қийиқ.....	67
Жағали.....	69
Сўнги сўз.....	70

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ**

**ТУГАНМАС ЭРТАКЛАР**

(Қисса)

Мухаррир: **А.Жаббор**  
Мусаввир: **Ҳ.Ризаев**  
Тех.муҳаррир: **Ш.Мамажонов**  
Бадий муҳаррир: **Н.Жабборов**  
Мусаҳҳиҳ: **Д.Холматова**

2002 йил 25.05. да теришга берилди. 2004 йил 05.04. да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. 4,5 босма табоқ. Офсет усулида газета қоғозига босилди. Адади 1000 нусха. 4668-буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти (Наманган ш. Навоий кўча, Матбуот уйи, 3-қават) компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

---

Ибратли номли Наманган вилоят босмаҳонаси (Наманган ш. Навоий кўчаси, 36)да босилди ва муқоваланди.